

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ
КАФЕДРАСИ

Зулфанова Сайёранинг

5141600- “БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ”
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН «Халқ мақоллари асосида бошланғич синф
ўқувчиларини меҳнат интизомига ўргатиш йўллари»
МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Мамараимов Ш.

ГУЛИСТОН – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-боб. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнатга тарбиялашнинг назарий-методологик асослари.....

1.1. Халқ мақоллари асосида бошланғич синф ўқувчиларини меҳнат интизомига ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти

1.2. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишжараёни тадқиқот предмети сифатида.....

II-боб.Бошланғич синф ўқувчиларини халқ мақоллари асосида меҳнатга тайёрлашнинг шарт-шароитлари

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шакл ва усуллари

2.2. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишш.....

Умумий хулосалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон мустақил давлат мақомини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб таълим-тарбияни босқичма-босқич ислоҳ қилишга киришилди. Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришда давлатнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ўзлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, энг замонавий талабларга ҳам жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрларни этиштириш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ислохотлардан бири 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб номланди, ҳамда “Баркамол авлод йили давлат дастури” ишлаб чиқилди. Демак бундай номланиш ва ижобий силжишлар, таълим тизимининг барча жабҳаларида ҳамда жамиятда ўсиб келаётган ёшларга керакли бўлган зарур шарт-шароитлар яратиш, жамиятнинг барча тизимларига муносиб кадрлар бўлиб этишишини таъминлаб беришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ўз илм-фани ва энг илғор техника ва технология тараққиётининг негизда умумбашарий кадриятлар миллий хунармандчилик, тарихий шарт-шароитлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий турмуш тарзи, миллий ўз-ўзини англаш, инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик хислатлари ётади. Бу ҳозирги кун барча ёшларни давр талаблари даражасида билимли, юксак ахлоқий салоҳиятли, жисмонан бақувват, маънавиятли етук сифатларга эга бўлган шахсларни тарбиялаш ўлкан вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Республикамизда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга масъул бўлган жамият аъзолари биринчи галда ўз касбининг моҳир устаси бўлган ўқитувчи кадрлар тайёрлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонунда «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга» деб таъкидланган.

Чунки жамиятимиз тараққиёти юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Баркамол шахс ва малакали мўтахассисларни тарбиялаш жараёнининг муваффақияти учун замин яратувчи омиллар сирасида маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, мўтахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, шунингдек, педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни тайёрлаш алоҳида ўрин тўтади. Зеро, ёш авлодни ҳар жихатдан камол топтириш, уларда муайян касбий фаолиятни олиб бориш лаёқатини шакллантириш ҳамда унинг етук мўтахассис бўлиб этишишида таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ўзига хос рол ўйнайди.

Меҳнат тарбияси унинг аҳамияти тўғрисида қомусий мўтафаккирларимиз Ибн Сино, Фаробий, Нақшбандий, Кайковус, А.Навоий, Термизий каби алломаларимиз ўз асарларида меҳнат тарбиясини улуғлаб, ёшларни меҳнат қилишга, меҳнатнинг инсон фаолиятида ўрни ҳақида фикр билдиришган. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бошланғич таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Миллий ва маънавий кадриятар асосида янги дастурлар, дарсликлар, ўқув методик тавсиялар, илмий-методик кўлланмалар яратилди. Дунёқараши, Мустақил республикамизда кичик ёшдаги ўқувчиларни янги талаб асосида ўқитиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Халқ мақоллари ёрдамидалар бўйича давлат таълим стандарти, бошланғич таълим концепцияси яратилди.

Шарқ мўтафаккирлари меҳнат тарбиясига жуда қатъи эътибор берганлар. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий каби мўтафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби маърифатпарварларнинг асарларида меҳнатсеварлик масалалари алоҳида таъкидланади. Бу йўналишда фалсафа, педагогика, психология, адабиёт, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият

асослари каби ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар бир қанча илмий тадқиқот ишларини бажарганлар. И.Мўминов, Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, З.Ғафуров, Х.Шайхова, М.Холматова, Ф.Исмоилов, М.Имомназаров каби файласуф олимлар инсон маънавиятини шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини илмий назарий жиҳатдан ишлаб чиққанлар.

Педагогика назариясини такомиллаштиришга ҳисса қўшган олимлардан М.Очилов, Ж.Хасанбоев, Х.Ибрагимов, М.Иномова, С.Нишонова, М.Қуронов, Ж.Юлдашев, Х.Юлдашев, С.Х.Файзулина, У.Маҳкамоларнинг илмий тадқиқот ишларида узлуксиз таълим тизимида, оилада, шахсни комил инсон даражасида тарбиялашнинг у ёки бу педагогик илмий муаммолари ёритилган.

Шуни айтиш керакки, бошланғич таълим муаммоларини ечиш, уни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Абдуллаева К., Р.Сафарова Б., Адизов, Р.Мовлонова, М. Ҳайдаров, Т.Ҳасанов, О.Хасанбоева, Г.Анартаева, Д.Хамроева, Н.Валиева, Жумаев М., Н.Жумаева кабиларнинг илмий асарларида бошланғич таълим мазмуни, кичик ёшдаги ўқувчиларни меҳнат, ахлоқий тарбиялаш, онгли интизом, дўстлик, ўртоқлик кабилар назарий жиҳатдан ёритилган. Х.Бобомирзаев, У.Ражабовларнинг ишларида халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларини халқ оғзаки ижодини ўрганиш асосида тарбиялаш муаммолари педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Республикада меҳнат таълими унинг тараққиётига кўпгина олимлар А.Варобьев, Н.Шодиев, Э.Чориев, Н.Нишоналиев, О.М.Маъзумов, Р.Мавлонова, О.Магдиев, К.Давлатов, Р.Ҳасанов, х.Эгамов, У.Толиповларнинг дарслик ва методик қўлланмалари чоп этилган.

Бошланғич таълим йўналишида Мавлонова Р., Эгамов Х., Перевертен Г., Санақулов Х., Г. Шмулевич ва бошқаларнинг дарсликлар, қўлланмалар мавжуд лекин тажрибадан маълумки кўпгина ўқитувчилар айнан ўқувчиларга меҳнат интизомига ўргатиш тарбияси оид кўрсатмалар кам.

Бошланғич таълим йуналишида Мавлонова Р,Эгамов Х,Перевертен Г,Санақулов Х, Г , Шмулевич ва бошқаларнинг дарсликлар, қўлланмалар мавжуд.Жумладан Р.Мавлонованинг 1-4-синфлар учун “Меҳнат” дарсликлари,Р.хасановнинг “бадий меҳнат”,Х.Эгамовнинг “бадий меҳнат”,Х.Санақуловнинг “Меҳнат таълимидан методикаси” “Меҳнат таълимидан амалий ишлар” Г.Шмулевичнинг Қоғоз ва картондан нарсалар ясаш номли қўлланмалари бизга яхши маълум. лёкин тажрибадан маълумки.Юқори синф ўқувчилари учун техник моделлаштириш бўйича олим Ш.Шариповнинг жуда кўп қўлланмалари мажуд. Ушбу муаммони эътиборга олган ҳолда ,шундан келиб чиқиб, тадқиқот мавзусини **«Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақоллари асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти»** деб номладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақоллари асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг шакл ва воситаларини аниқлаш .

Тадқиқотнинг объекти: Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақолларпи асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг назарий-методологик асосларини белгилаш.
2. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг педагогик моҳиятини аниқлаш.
3. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақоллари асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиш.
4. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жиҳатдан таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг методологик асоси:

Ўзбекистон Республикаси ўзлуксиз таълим тизимининг мазмунини белгилаб берувчи директив-меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан илгари сурилган ғоялардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:

1. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақоллари асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг назарий-методологик асосларини белгиланди.
2. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақоллари асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг педагогик моҳиятини аниқланди.
3. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни халқ мақоллари асосида меҳнат интизомига ўргатишнинг ташкил этиш тизимини ишлаб чиқилди.
4. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатилиб таълим самарадорлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг назарий-методологик асосларини белгилаш. Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг синфларда методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий фарази:

Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини қўллаш жараёнида таълим самарадорлигига эришиш мумкин, агарда:

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими асосланса;

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг ташкил этишни амалиётга татбиқ этилишига эришилса;

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг оид методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

Тадқиқотнинг назарий асослари. бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил этишнинг дидактик имкониятларининг мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими назарий асослари тадқиқ этилди;

- бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини қўллаш жараёнида таълим самарадорлигига назарий моҳияти асослаб берилди. **Тадқиқотнинг методологик асоси:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва асарларида баён этилган мазкур мавзуга оид қараш ҳамда ёндошувлар, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг қарорлари, буйруқлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Давлат таълим стандартлари, таълим технологияси назарияси, бихеовиоризм ҳамда шахсни шакллантириш ҳақидаги фалсафий, педагогик ва психологик таълимотлар, мавзуга оид илмий-педагогик, методик манбалар.

БМИнинг таркибий тўзилиши: БМИ кириш, 2 боб, 4 параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I-Боб. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнатга тарбиялашнинг назарий-методологик асослари.

1.1.Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти.

Республикаимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий йўналишларини ривожлантиришда халқ таълими тизимини такомиллаштириш, айниқса, бошланғич таълим босқичи иш фаолиятини юқори даражага кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Чунки келажакимизнинг тақдири ҳозирги кунда бошланғич таълим босқичи мактабларида илм олаётган ўқувчиларнинг тарбиясига боғлиқдир.

Ҳақиқатан ҳам халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш истиқлол талабидир. Бунинг учун аввало ўқитувчининг ўзи ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта маъсулият юклайди. Демак, бугунги ўқитувчи - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитларидан тўла халос этиш, таълим-тарбия жараёнини жаҳон ривожланган таълим даражасига кўтаришда фаол иштирок этиши билан бирга ўқувчилар қалби ва онгида меҳнатсеварликни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, меҳнат тарбияси дастлаб оилада, боғчада кейинчалик халқ мақоллари ёрдамида билим олаётган болаларда шаклланади. Таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчини меҳнатсеварликка оид дунёқараши шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов «...боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган халқ мақоллари

ёрдамидаларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб кўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Мақол ибратли сўздир. Шундфй сўзки, сўзга хусн беради, фикрни тушуниб олишни осонлаштиради, уни ёрқин, таъсирчан қилади. Шунинг учун ҳам мақол одамлар нутқида хар доим хамрох бўлади. Кимки уни кўп ишлатса, ўшанинг нутқини ширали дейдилар ва диққат билан эшитадилар. Мақолда гап кўп. ”**Мақол**” аслида арабча, ”сўз” деган маънони билдиради. Уни “Оталар сўзи” ҳам дэйдиларю Бундай номлаш мақолни тушунишни осонлаштиради. Хақиқатан ҳам, у ота-боболаримизнинг қадим-қадимлардан ишлатиб келган сўзлари. Кўплаб мақолларда ички кофия бўлади. Масалан:”омон” билан “сомон”,”султон” билан “чўпон” ўзаро охангдош, яъни кофиядошдир. Шу жихатдан улар топишмоқларга ўхшаб кетадилар. Мақол шеърий шаклда ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагини олдилар.

Тўртовлон тугал бўлса,

Тепедагини эндиран.

Мақолда ўша ҳалқнинг тарихи, урф-удуми, турмуш тарзи, феъл-атвори, рухияти бутун борлиғи акс этади. Шунга кўра, мақоллар хилма-хил мавзуларда бўлиши мумкин. Масалан, дўстлик, ватан, меҳнат, илм-хунар егаллаш, ботирлик, саҳоват, адолат ва хоказо.

Қунт билан урган хунар,Хунардан ризқинг унар. Дарахтни ер кўкартиради, Одамни эл кўкартиради. Бугунги ишни эртага кўйма! Вақтинг кетди-бахтинг кетди.Мехнат, меҳнатнинг таги рохат.Олтин ўтда билинар,
Одам –меҳнатда.Эксанг, ўрасан. Юрган-дарё, Ўтирган-бўйра. Қимирлаган қир ошар. Қолган ишга қор ёғар.Кўкка боқма, кўпга боқ.Тикансиз гул бўлмас, Машаққатсиз-хунар.Мехнат бахт келтирар.Етти ўлчаб,бир кес.
Мехнат қилган ҳор бўлмайди.

Бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш билан бирга унинг шахс камолотидаги аҳамиятини ривожлантириш, кичик ёшдаги ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, айниқса уларда меҳнатсеварликни шакллантириш баркамол авлодни вояга етказишнинг бош объекти ҳисобланади. Доно халқимиз «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин», «Поклигинг — соғлигинг», «Соғ юрай десанг, озода бўл», «Соғлигим-"- бойлигим», «Яхши либос танга оройиш» каби мақол ва маталари билан ёшларимизни табиат ва жамият гўзалликларини кўра билишга, уларни қадрлашга ўргатиб келишган.

М.Юсупов, З.Ибрагимова, Н.Тилябовалар ҳам ўз илмий тадқиқот ишларида бошланғич таълим мазмуни, мактабгача тарбия муассасаларида болаларни эртақлар асосида тарбиялашни ва уларда меҳнатсеварликни ҳис туйғуларини шаклланиш масалаларини ҳал этишган.

Бугунги кунда халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларда одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш меҳнатсеварликнинг асосий негизини ташкил этади. Эстетик тарбия шахснинг баркамоллигининг бир кўриниши ҳисобланиб, табиат манзаралари, йилнинг турли фаслларида унда содир бўладиган ўзгаришларда намоён бўлади. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси улардаги ноёб бинолар, боғ-роғлар, меъморчилик ёдгорликлари, хиёбонлар, майдонлар, фавворалар, хар-ҳил безаклар, хатто тозалик, саранжом-саришталик болаларнинг юксак дидли бўлишларига таъсир этади. Шу ўринда айниқса, музейлар, театр ва кинохоналарнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ керак.

Ўзбекистонда дунёга машхур бўлган шаҳарлар, улардаги меъморчилик ёдгорликлари ва санъат музейлари кўплаб кишиларни хайратлантириб, ўзига махлиё қилиш имкониятига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, кўқон,

Шахрисабз ва бошқа жойларда гўзаллиги билан асрлар оша эстетик тарбия бериб келаётган иншоатлар бор.

Ўзбекистон қадимдан бадиий ижод ва санъатнинг марказларидан бири саналиб келинган. Шунинг учун ҳам унда А.Навоийдек шоирлар этишиб чиққан. Захриддин Бобур, Б.Машраб, Увайсий, Нодирабегим, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Х.Х.Ниёзийларнинг ўзбек бадиий адабиётининг чўққиларга кўтардилар.

Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.қаххор, С.Абдулла, Зулфия, Х.Ғулом, С.Ахмад, М.Исмоилий, Ж.Шарипов ва бошқаларнинг асослари халқимизнинг қалбидан муносиб ўрин эгаллаганлар.

Ҳозирга даврда ўзбек адабиётини жаҳонга танитаётган Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, М.Али, Ў.Хошимов, Н.Нормуродов, О.Ёқубов, П.қодиров ва яна кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ёшларга эстетик тарбияни беришнинг бебаҳо хазинасига айланмоқда.

Кўплаб олимлар тамонидан ўқув машғулотлари ташкил этиш ва уларнинг эстетик тарбия бериш моҳиятини илмий асослаш амалга оширилган.

Р.Абдумаликов, Абдуллаев А., Ф.Каримов, Р.Саломов, К.Маҳкамжонов, Т.Усмонхўжаев, Т.Юнусов ва бошқалар¹ бевосита ўқув машғулотлари назарияси ва методикаси муаммоларини тадқиқ этганлар.

Ёшларнинг мустақил ўқув машғулотлари машқлари билан шуғулланишларининг тизмини ўрганиш ҳам бугинги кунда долзарб муаммо ҳисобланади.

Ҳар тамонлама етук, баркамол авлодни этиштиришда меҳнат тарбиясининг ўрни беқиёсдир. Инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат ва фаолияти билан боғлиқдир. Шу сабабли меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг ижтимоий тараққиётининг негизидир. Меҳнат тарбияси шахсни ҳар тамонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир.

¹ Абдумаликов Р., Абдуллаев А. ва бошқалар. Бадиий гимнастика таълими илмини такомиллаштириш масалалари. Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 1996.

Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.К. бадиий гимнастика назарияси ва методикаси. Фарғона, 2001.
Каримов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 2001.

Шунингдек, боланинг ҳар томонлама шакллантириш воситаси, унинг шахс сифатда улғайиш омили ҳамдир. Мунтазам қилинган меҳнат жараёнидаги бола ўз ақлини, иродасини, хиссиётини, характерини ривожланади.

Меҳнат фаолияти боланинг теварак-атрофидаги муҳитини, меҳнат интизомига ўргатиш, реал буюмларни англаб, билиб олишнинг мустаҳкам воситаси бўлиб, унга назарий билимларни қўлланиш имкониятини яратиб беради, унинг онгини ҳиссий тасаввурлар билан бойитишдан иборат..

Жумладан, меҳнатнинг ижтимоий ахлоқий аҳамиятига эътибор бериш, меҳнат ўқувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос бўлиши, меҳнат фаолиятлари ижодий ҳаракатда бўлиши, ўз вақтида тури касблар ҳақида маълумотлар бериб борилиши, меҳнат ақллари билан доимо суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар қиради.. Умуман олганда, меҳнат тарбияси ижтимоий тарбиянинг таркибий қисмидир. Меҳнат тарбиясининг бош ғояси шахсда маеҳнат фаолиятини ташкил этиш, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, ижтимоий меҳнатни кадрлаш, меҳнатсеварлик хислатини тарбиялаш билан бирга меҳнат интизомига риоя қилишни ўз ичига олади. Инсоният томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар, ижтимоий тараққиёт асосида, меҳнат фаолияти натижасидир. Жамиятда ташкил этиладиган меҳнат тарбияси ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ватан равнақи, эл юрт фарованлиги йўлида меҳнат қилиш, ривожланган демократик ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида фаол иштирок этишга бўлган қизиқишини уйғотиш, ягона мақсад йўлида ҳаракат қилишга тайёрлашдан иборат жараённи ўз ичига олади.

Шарқнинг этук мўтафаккирлари меҳнатнинг шахс камолоти, шунингдек, жамият ривожигаги рўлига юксак баҳо беришган. Зеро, меҳнат инсоннинг ҳам руҳан камолатга этишини таъминлайди.

Инсон ўз меҳнати билан моддий ва маънавий бойликларни яратиб берар экан, айни вақтда унинг ўзи ҳам шахс сифатида шаклланиб боради, чунки инсон аксарияти ҳолларда ўз меҳнат фаолияти билан ижтимоий

муносабатлар субъекти (иштирокчиси)га айланади. Шу боис инсонни ёшлигиданоқ меҳнат фаолиятига жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар сумкаларида ортикча огирлик кўтариб юрмасликлари ҳамда асбоблардан фақат мулжалланган уринларда фойдаланишлари учун энг оддий асбобларни ҳам синфда сақлаш лозим. Қўл меҳнати дарсларида одатда бир ёки икки асбобдан фойдаланилади. Уларни эса навбатчилар таркатадилар мана ўшанда меҳнат интизоми тўғри йўлга қўйилади ва ўқувчилар унга ўрганади.. Столнинг устида диққатни чалгитадиган ҳеч қандай ортикча нарса булмаслиги керак.

Асбобларни айниқса кесувчи асбобларни ортикча гилофдан сақлаган маъқул. Ҳар бир гилоф асбобнинг маълум турига мулжалланиб у номерланади. Ҳар бир қаторнинг ўз гилофи булади. Навбатчи ўқувчи асбобларни таркатишни доимо 1-партадан бошлайди. Бунда болалар ўз номерларига одатланиб қоладилар. Агарда асбоб бўзилса уни ким ишдан чиқарганлигини ўқитувчи дархол билиб олади.

Болалар тартиб ва тежамкорликка одатландилар. Чизгич бурчак циркўль ва шу каби бошқа асбоблар номерланган бўлиши номерларига кўра ўз жойида маълум тартибда сақланиши ва таркатилиши лозим. Муйкаламлар тагликларда сақланади ҳар бир звено ўз идишига эга булади.

Ҳамма фойдаланадиган асбоблар звеноларга бириктириб қўйилади. Барча асбоблар шкафларда сақланади. Асбоблар сақланадиган мосламаларни юкори синф ўқувчилари берадилар. Ишдан сўнг асбобларни ўқувчилар тозалаб ювиб артиб навбатчи ўқувчига топширадилар. Иш хонасида ўқувчиларга асбобларни ишлатиш ва сақлаш қоидаларини эслатиб турувчи плакат эслатмалар осиглик бўлиши керак. Хавфсизлик техникаси қоидаларига кўра тулик риоя қилиш бахтсиз ходисаларнинг олдини олувчи ишончли гаровдир. Асбобларни ишлатиш қоидаларини ўқувчилар вақти-вақти билан такрорлаб туриши лозим. Уёки бу коидани тушунтиришда ўқитувчи нима учун айнан шундай қилиш кераклигини бу коидаларга риоя

килинмаса кандай ходисалар руй бериши мумкинлигини уктириш лозим.
Хавфсизлик техникасининг барча коидаларини сўзсиз бажарилиши лозим.

Иш хоналарида ишлаш ва асбоблардан фойдаланиш буйича коидаларни кўйидагича умумлаштириш мумкин.

1. Иш хонасига фақат ўқитувчи рухсати билан кирилади.

2. Ҳар бир ўқувчи фақат ўз иш жойида ишлайди. Агарда иш жамоа равишда килинадиган бўлса болалар ўз бригада ўз мажбуриятларини яхши биладилар.

3. Иш фақат ўқитувчининг рухсати билан бошланади.

4. Иш бошланишдан олдин иш жойини тайерлаб асбобларни тўғри ва кўлай жонлантириш : "Унг қўл билан ишланадиган асбобларни унг томонга чап қўл билан ушланадиган асбобларни чап томонга қўй, санчиладиган кесадиган асбобларни ҳеч қачон иккита асбоб орасига қўйма уларни доимо ўз жойига уткир томонини нариги дастасини ўзинг томонга қилиб қўй. Асбобларни уйнама улар ўйинчок эмас".

5. Иш вақтида ўз жойингни тартибли сақла.

6. Ўтмас ёки бўзук асбоб билан ишлама.

7. Асбобни ишлатганда уни ўқитувчи кўрсатганидек ушла.

8. Асбобларни асра уларни тўғри ўз ўрнида ишлат ишлатгандан сўнг уларни тозалаб ювиладиганини ювиб артиладиганини артиб қўй.

9. Нарсани ҳар бир детални олдинги сафаргидек яхшироқ чиройлироқ тартиблироқ қилишга ҳаракат кил.

10. Ишни тугатдингми иш жойингни тезда тозалаб тартибли қилиб қўйиш ва унда уйда ҳам иш бажарганда шу нарсаларга ўрганади.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти қуйидагича бўлиши керак.

Турли асбоб ва ускуналардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси коидалари.

Қайчидан фойдаланиш коидалари:

1. Қайчини белгиланган жойда белгиланган ҳолатда сақла.

2. Қайчининг учини юкорига қилиб ушлама.
3. Қайчини очик ҳолда колдирма.
4. Қайчини юриб турганинда ишлатма.
5. Қайчини фақат епилган ҳолда учидан ушлаб уртогинга ўзат.
6. Қайчини ишлатаётганда кесимнинг йуналиши ва материални ушлаб турган чап қўл бармоқларини кўзатиб тур.
7. Яроксиз қайчини ишлатма ўқитувчига топшир.

Бигиз билан ишлаш коидалари.

1. Бигизни уринсиз ишлатма.
2. Сирти силлик сирганчик қаттиқ предметларни бигиз билан тёшма.
3. Тёшиладиган предметни кўлингда ушлама уни стол таглик устига қўйиб тёш.

Пичоқ билан ишлаш коидаси.

1. Учи юмалок пичоқдан фойдалан.
2. Пичоқни ўқитувчи кўрсатганидек ишлат кесганда қаттиқ босма.
3. Бўзилган ёки очилиши қийин паккини ишлатма.

Нина билан ишлаш коидалари.

1. Нинани ишлатиб булгач махсус нина естикчага санчиб қўй.
2. Пичоқни ўқитувчи кўрсатганидек ишлат кесганда қаттиқ босма.
3. Бўзилган ёки очилиши қийин паккини ишлатма.

Нина билан ишлаш коидалари.

1. Нинани ишлатиб булгач махсус нина естикчага санчиб қўй.
2. Нинани ҳеч қачон огзинга олма.
3. Ниналарни игнадонда қуруқ ҳолатда сақла.
4. Ишдан олдин ва ишдан кейин ниналарни санаб кўр этишмаган ниналарни албатта топ.

5. Қоғоз ва картондан нарсаларни ясаганда биринчи тёшикни албатта бигиз билан тёшиб ол.

Кўрилган чораларга карамай синфда бахтсиз ходиса руй берса ўқитувчи 1-ёрдамни кўрсатиши ва мактаб врачини чакириши лозим. Ишхонасида йод бинт солинган аптечка бўлиши шарт.

Ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида меҳнат тарбияси ўқувчиларни руҳий ва амалий жиҳатдан меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилганлиги билан ўзига хос ўрин тўтади.

Ижтимоий жамиятнинг умумий ва иқтисодий ривожланиши замонавий босқичда бунёд этувчи, яратувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи шахсга нисбатан юксак талабларни қўймоқда, чунончи, меҳнатга нисбатан муҳим ижтимоий бурч сифатида ёндашиш; ҳар қандай меҳнат фаолиятига нисбатан виждонан муносабатда болиш; меҳнат ва унинг маҳсулини кадрлаш; меҳнатни ташкил этишга жамоа усулида ёндашиш; доимий равишда ташаббуслар билан чиқиш; меҳнатни фаол, иждий ташкил этиш; ақлий ва жисмоний қувватга таянган ҳолда меҳнат қилиш иштиёқининг ички эҳтиёжига айланиши; меҳнатни илмий ташкил этиш; меҳнатга нисбатан асосий ҳаётий зарурат сифатида муносабатда бўлиш.

Меҳнатга, меҳнат қилишга руҳий таёргарлик қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- а) меҳнатнинг мақсад ва вазифаларни англаш;
- б) меҳнат фаолиятини ташкил этиш рағбатини қарор топдириш;
- в) меҳнатни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Таълим муассасаларида меҳнат таълими ва тарбиясини олиб бориш махсус дасур асосида амалга оширилади. Меҳнат таълими дасури намунавий хусусиятга эга. Унда мактаб, ўқитувчи ва ўқувчилар меҳнат фаолиятини баҳолаш бўйича таълим ва тарбия натижаларига нисбатан давлатнинг минимум (енг қуйи) талаблари акс этади.

Меҳнат тарбияси жараёнида бу борадаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш мақсаднинг ўзи ва педагогик фаолиятнинг якуний маҳсули эмас, балки энг муҳим инсоний лаёқат-меҳнат қилиш лаёқатини ривожлантириш учун восита ҳисобланади. Шу боис бугунги куннинг талаби меҳнат

таълимини ташкил этишда репродуктив методлар ролини камайтириб, юксак даражадаги мантикий фикрлаш ҳамда яратувчилик асосини ҳосил қилувчи фаол тадқиқот методларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкилий шакллари ўқитувчилар ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда танлашдилар. Меҳнат тарбиясини йўлга қўйишда шундай шакл ва методлардан фойдаланиш лозимки, натижада меҳнат инсоннинг энг сеvimли машғулотига айлансин, шахс меҳнат таълим ва тарбияси юқори ўринга қўйилиши лозим, оқибатда шахс қўлга киритилган меҳнат муваффақиятидан қувониш, ўз кадр қимматини англаш ҳамда ўз меҳнатдан ғурурланиши тўғриси қарор топсин.

Меҳнат тарбиясига нисбатан янгича ёндашиш ўқувчилар тамонидан эгалланган билимларни амалиятда қўллай олишларини таъминлашга олиб келади. Бугунги кунда меҳнат тарбиясининг таркибий тўзилмаси ҳам ўзгармоқда, у ўзида тахника ва тахнологияларни тушуниш (тасаввур қилиш), амалий вазифаларни ҳал этиш кўникмаси ҳамда ҳолатларини ифода этади.

Меҳнат тарбиясини самарали ташкил этишда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар муҳим ўрин тўтади. Мазкўр тадбирлар шахс учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлиб, шахсни йўналтирувчи хусусиятга эгадир.

Меҳнат таълими ва тарбиясининг маҳсади ўқув ишларида меҳнатга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Мазкўр мақсадни амалга оширишда бир қатор вазифаларни ҳал этиш талаб қилинади. Меҳнат тарбиясининг ташкил этишда ҳал этувчи вазифалар кўп қиррали бўлиб, у ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига амалий ва ахлоқий таёргарликнинг барча томонларини қамраб олади. Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда қуйдаги вазифалар амалга оширилади;

1. Меҳнатнинг моҳиятини англашиш орқали ўқувчиларга меҳнатнинг шахс камолоти ва жамият тараққуётидаги ролини яратиш бериш;

2. Инсон меҳнати ҳамда меҳнат маҳсули бўлган моддий ва маънавий неъматларини қадирлаш, асраб-авайлашга ўргатиш;
3. Меҳнат қилишга нисбатан рағбати, шунингдек, муҳаббатни уйғотиш;
4. Ўқувчиларнинг меҳнатга ижтимоий бурч сифатида ёндашувларини юзага келтириш;
5. Меҳнат фаолиятини ташкил этишга онгли равишда, виждонан ёндашишни одатлантириш;
6. Меҳнат фаолиятини жамоа асосида ташкил этиш;
7. Меҳнатга хоётий зарурат, инсон фаолиятининг асоси сифатида муносабатда бўлиш;
8. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш борасида меҳнат кўникмаси ва малакаларини шакллантиришни юзага келтириш;
9. Ўқувчиларда меҳнатсеварлик хислатини тарбиялаш; ўз меҳнати самарасидан ғурурланиш туйғусини шакллантириш;
10. Муайян касб-хунар сирларини ўзлаштиришга эришиш ва хоқозолар.

Ёш авлоднинг меҳнат фаолияти куйдаги йўналишларида ривожлантирилади ва таркиб топтирилади: меҳнат ўйиндан ажралган ҳолда мусақил фаолият сифатида шакллантирилади; меҳнат фаолияти жараёнининг моҳиятини ўзлаштирилишига эришилади; меҳнат фаолиятининг турли шакллари вужудга келтирилади. Иш хонаси ва шу хонадаги қўл меҳнати дарслари тўғри ташкил этилса ўқувчиларда меҳнатга муносабат шаклланади ишлаб чиқариш техник маданият тарбияланади.

Иш хонаси шундай ташкил этилиши керакки у ўқувчиларни кўйидагилар билан таништиришни таъминласин:

1. Ишлов бериладиган материаллар қоғоз картон газмол тола сим туника ёғоч айрим кўрилиш материаллари алибастир цемент ва шу қабилар бехнологияси билан.
2. Юқорида материалларга ишлов беришда фақат қўл билан бажариладиган масалалар билан эмас механизациялашган масалалар билан.

3. Материалларга ишлов беришнинг асосий методи: механик химик энергетик ва шу кабилар билан.

4. Саноат ва қишлоқ хужалигининг асосий тармоклари билан.

5. Меҳнатни оддий индивидуал ташкил этишдан бошлаб мураккаброк бригада ва ниҳоят конвейр ишини ташкил этиш.

Иш хонасидаги иш болаларда меҳнатга йуналишни интизомни жамоатчилик конструкторлик кашфийетчиликни ривожлантириш ишни режалаш назорат қилиш ва ҳисобга олишга одатлантириш лозим.

Иш хонасидаги барча машгулотлар ўқув фанлари методикаси билан ўзвий алоқада бўлиши ҳамда уларга асосланиши даркор. Асбоблар болаларнинг ёш хусусиятларига санитария-гигиена талабларига жавоб бериши керак.

1-3 синфларда қўл меҳнати дарслари учун ўқувчининг индивидуал папкаси бўлиши зарур. Бундай папкаларнинг қўлайлиги шундаки унда ҳар бир ўқувчи дарс вақтида нёки ҳамма нарсаларга асбоблар материаллар бумларга эга булади. Индивидуал папкаан фойдаланиш дарс бошланишидан олдин ўқувчи папкани очилган ҳолда парта устига қуяди ва керакли вақтда фойдаланади.

Меҳнат физиологияси ва гигиенаси маълумотлари шундан далолат берадики, агар жисмоний меҳнатнинг ҳарактери организмнинг ёш имкониятларига мос келса ва оптимал гигиеник шароитларда бажарилса бола ҳамда усмирнинг алохида органларининг ҳам бутун организмнинг ҳам ривожланишига ердам беради.

Меҳнат таълими жараенида ўқувчилар ҳаракат қилиш кўникмалари ва ўқувчиларни ўзлаштириш уларда янги шартли рефлектор алокалари пайдо булади. Жисмоний меҳнат таъсири остида ҳаракатлар координатаси такомиллашади мусқўллар системаси мустаҳкамланади нафас олиш ва юрак кон томири системаларининг ишлаши яхшиланади моддалар алмашинуви кучаяди. Махсус текширишлар жисмоний меҳнат билан шугулланадиган кишиларда моддалар алмашинуви асосан аклий меҳнат билан банд булган

кишилардагига караганда интенсиврок кечишини кўрсатади. Иш хонасида ҳаво ҳарорати 16-18 С бўлиши ва шамоллатиб туриши керак.

Иш хонасининг асбоб ускуналари рўйхати.

I. Ёғоч билан ишлаш учун ускуналар.

1. 120 сонли стол версток 20 дона
2. Кичик улчамли рандалар 20 дона
3. Уртача хажмли ранда 1 дона
4. Майда йирик тишли қўлларда 3 дона
5. 400 гр ли дурагор болгаси 10 дона
6. Искана 1 дона
7. 30 см ли метал чизгичлар 10 дона
8. Ёғоч учбурчак 5 дона
9. Йирик тишли уткир эгов 10 дона
10. Қўл парма 5 дона
11. Омбур 5 дона
12. Отверка 10 дона
13. Турли улчамли пармалар 20 дона
14. Энли ва энсиз арралар 2 дона
15. Ҳар хил улчамли исканалар 5 дона
16. Чарх 1 дона
17. Брусколар 10 дона
18. Катта арра 1 дона

II. Сим билан ишлаш учун ускуналар.

1. Уткир омбур 20 дона
2. Юмалок жагли омбур 20 дона
3. Ясси омбур 20 дона
4. Кичик улчамдаги туника қайчи 20 дона
5. Ёғоч болга 20 дона
6. Гербитика 20 дона
7. Тиски 60 дона

8. Ҳар хил эговлар 60 дона
9. Отверкалар 20 дона
10. Корнер 20 дона
11. Зубила 20 дона
12. 200 гр ли слесарь болгаси 20 дона
13. Кериладиган ключ 2 дона
14. Метал учбурчак 20 дона
15. Дина кескич 2 дона

III. Фонера билан ишлаш учун ускуналар.

1. Лорбўзк 20 дона
2. Бигиз 20 дона
3. Исканжа 20 дона
4. Таглик тахталар 20 дона
5. Жилвир 5 дона
6. Тахта учун қўл арра 5 дона
7. Миллиметрли метал чизгич 20 дона
8. Тозалагич чуткалар 5 дона
9. Майда тишли эгов 5 дона

IV. Қоғоз ва картон билан ишлаш учун ускуналар.

1. Ўқувчилар папкаси
2. Таглик тахталар
3. Кленка латта
4. Пичоқ
5. Чанг чуткаси

V. Мактаб тажриба участкасида ишлаш.

1. Белкўрак
2. Хаскаш
3. Замбил пайшаха ер ўлчагич эгов 40 гр ли болга боғ қайчи

Ўқувчилар таълим жараёнида ва дарсдан ташқари шароитларда меҳнатнинг ижтимоий жамиятда тутган ўрни ва ролини, инсон камолатини

таъминлаш омил эканлигини, шахсни қобилияти ва иқтидорини меҳнат жараёнида такомиллашиб боришини ҳаётий мисоллар ёрдамида билиб олишлари лозим. Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда бугунги кунда анъанавий ва ноанъанавий шакллардан фойдаланилмоқда хусусан, меҳнат байрамлари, ишлаб чиқариш кўрғазмалари, ҳашар, “ моҳир қўллар “ танлови, “Кувноқ шаҳар устахонаси“, ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари бригадалари, ёрдамчи хўжалик , “ Ёш радио – техниклар станцияси “ ва ижодий марказлар фаолияти, шунингдек, устоз – шогирд анъаналари асосида фаолият олиб боровчи яқка тартибдаги касб-хунар таълими ва бошқалар.

Меҳнат тарбияси тўғри йўлга қўйилган таълим муассасаларида ўқувчилар мактабга келган даслабки кунлариданок ўзларининг ёш ва психологик хусусиятларига мос меҳнат фаолиятига жалб қилинадилар. Бунда улар ўз-ўзига хизмат қилиш борасидаги энг оддий юмушларни бажарадилар (чунончи, синф хонаси озодалигини сақлаш, ўқув қуролларини таъмирлаш, китобларни елимлаш, ўқув анжомларини дарсга таёрлаш ва ҳокозолар).

Меҳнатга руҳий, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида ўқувчиларда меҳнатсеварлик, меҳнатни ташкил этиш жараёнида интизомга бўйсиниш, мақсадни амалга ошириш ёълида шижоат, қатъият кўрсатиш, ахлоқий-иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради.

Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда жамоа асосидаги меҳнатни уюштириш муҳим масасалардан биридир. Зеро жамоа иштирокида ўказилаётган меҳнат жараёнида ўқувчиларда дўслик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, жамоа меҳнат самараларидан қувониш каби хислатлар тарбияланиб боради. Шунингдек, уларда ташаббускорлик , ташкилотчилик, меҳнатга ижодий ёндашиш, жамоа манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш сингари ахлоқий сифатларнинг шаклланишига пойдевор қўйилади.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларда меҳнат маданиятининг унсурларини ҳосил қилиб бориш муҳим талаблардан бири саналади. Меҳнат маданияти-

бажарилаётган ишга онгли муносабатда бўлиш, уни илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши (пухта режалаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш), иш ўрнини озода тутиш, меҳнат (иш) курулларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бошланган ишни натижалаш, унинг самарали бўлишига эришишга йўналтирилган фаолият кўсаткичидир. Меҳнат маданияти тушунчаси ўзида яна ўқувчининг мусақил ҳаракат олиб боришини, меҳнат қилиши ва дам олишини тўғри ташкил эта олишини ҳам акс эттиради.

Меҳнатга онгли муносабатни тарбиялашининг яна бир талаби ўқувчиларни илм-фан, маданият, техника ва технология борасидаги янгиликлардан боҳабар этиш, уларга нисбатан қизиқишни ҳосил қилиш, бу борадаги лаёқат, қобилият ва иқтидорларини ошириб боришдан иборат.

Ўқувчилар меҳнат фаолиятининг турлари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Маиший меҳнат;
2. Ўқув меҳнати ;
3. Ўқув ишлаб чиқариш меҳнати;
4. Ижтимоий- фойдали меҳнат ва бошқалар.

Болалар бажарадиган илк меҳнат тури маиший меҳнат бўлиб, у ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан бошланади. Бола мактабгача бўлган давридаёқ ўз-ўзига хизмат кўсатишга доир энг оддий меҳнатни бажариши , яъни кийим-боши, оёқ кийимини озода тўтиши, ўйинчоқларини тартибга келтириши, зарур гигиеник талабларга риоя қилиши керак.

Оилада меҳнат тарбиясининг даслабки унсурлари қўланилади. Бола муайян ёшга тўлгач, катталарга ёрдамлашади, ўз имкониятларини англаб этади ва ўқув (таълим) меҳнатига мунтазам тайёрланиб боради.

Мактабда ўз-ўзига хизмат кўрсатишга доир қуйидаги меҳнат коринишлари давом эттирилади: синф хоналари ва мактаб биноси ховлисини озода сақлаш, тартиб- қоидаларга риоя қилиш, хонадаги гулларга қараш, уларни парвариш қилиш, гулхоналарда гулларни ўсириш, мактаб

ошхонасида, спорт зали ва сув ҳавзаларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш каби юмушларга ўқувчилар жалб этиладилар.

Маиший меҳнат ёки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш меҳнатида меҳнатсеварлик, қатъийлик, ташаббускорлик, олгъа интилиш сингари фазилатлар тарбияланади.

Ўқув (таълим) меҳнати ўқувчиларнинг асосий меҳнат тури ҳисобланади. У боладан катта ахлоқий, иродавий ва жисмоний зўр беришни кучни таълаб қилади. Ўқув меҳнати фақат билим олишни билишга оид кўникмаларни қарор топтириб қолмай балки иштиёқ ва бетартибликни тарбиялашга ўқишга қизиқишга кўмаклашади ўқишга бўлган қизиқиш истак ҳамда ўқишдаги мувафақиятлардан хурсанд бўлишни хис этиш айнан мактаб партасидан тарбияланиб борилади.

Бизга маълумки халқ таълимининг асосий бугунини ўзлуксиз таълим тизими ташкил этади.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш таълим стандарти мамлакат худудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади, ўқув юктамалари меъёрига келтирилади, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Ўқувчи таълим стандарти билан чекланиши мумкин ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида мустақил равишда кенгроқ, чуқурлаштирилган билим олишга ва юқори рейтинг бали тўплаш ҳуқуқига эга. Натижада, қийин ёки ўқувчи хуш кўрмайдиган предметни ўрганишда унда стандартда белгиланган меъёр билан чекланишга имкон берилади. Бунда ўқувчи ўзининг қизиқиши, лаёқати, қобилиятини рўёбга чиқариш, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил танлаш имконига эга бўлади.

Меҳнат таълимининг давлат таълим стандартлари ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка кўйиладиган талабларнинг очиқ бўлишини назарда тўтади. Таълим олувчилар учун шакл ва мазмун жиҳатидан тушунарли тарзда ифода

килинган мазкўр талаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

1.2.Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатиш жараёни тадқиқот предмети сифатида.

«Кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастури»да бошланғич таянч ва ўрта умумтаълим босқичлари асосан, умум-меҳнат ва касб таълимини чуқурлаштириб ўрганишга қаратилиши ушбу соҳанинг ҳозирги даврда янада долзарблигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда меҳнат таълими ўзининг илмий, назарий ва амалий, моддий-техник, ижтимоий педагогик муаммоларини ҳал этишда, унинг анъанавий мазмунини ислоҳ қилишда қатор номўтаносибликлар ва зиддиятли ҳолатлар содир бўлмоқда:

- янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкўравий тўзимда рўй бераётган туб ўзгаришлар билан меҳнат таълимининг илмий-услубий, педагогик ва моддий-техник жиҳатдан истиқбол талаблари даражасида маъмурий таъминланишининг номўтаносиблиги, ҳамда Республикада таълим жараёнининг моддий-техник таъминотини ишлаб чиқарувчи махсус корхоналарнинг этишмаслиги;

-меҳнат таълимини амалга оширишнинг асосий қисми бўлган умумтаълим бўғини билан ўзлуксиз таълимнинг бошқа бўғинлари- мактабгача тарбия, ўрта махсус ва олий таълим ҳамда кейинги босқичлари ўртасида ўзвийликнинг таъминланмаганлиги; меҳнат таълимининг ҳозирги кундаги анъанавий мазмуни, мақсади, шакли, воситалари ва услубларида республикамизнинг миллий, этник, ҳудудий, тарихий хусусиятлари ва шарқона тафаккўр мезонларининг акс этмаганлиги;

- меҳнат таълимининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиб, уни амалга ошириш механизмларининг педагогик, психологик, физиологик ва дидактик асосларининг ишлаб чиқилмаганлигида кўришимиз мумкин.

Умумий урта таълим мактабларининг бошлангич синфларида ўқитиладиган меҳнат таълими фанининг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш, меҳнатни кадрлаш, меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш орқали уларнинг касбгача тайёргарлигини 5-синф учун ўзвий боғланиш заминини тайёрлашдан иборат. Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади. Уларда давлат таълим стандартларига асосланган йўналишлар мавжуд бўлиб, қуйидагича ифодаланади.

(Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади)

Таълимнинг мақсади -ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар асосларини (технологиясини) ўргатиш, уларни касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали уларнинг касбгача тайёргарлигига замин тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий мақсад -ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллашлари жараёнида меҳнат ва касбга муносабатларини юқори ахлоқий сифатларини, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва тадбиркорликни шакллантиришдан иборат.

Ривожлантирувчи мақсад меҳнат ва таълим машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадий-эстетик тарбия ва таълим бериш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб этишишларига ёрдам беришдан иборат.

Назорат мақсади—ўқувчиларнинг дастурда белгиланган билим кўникмаларини Давлат таълим стандартларига биноан ўзлаштириш ҳолатини дастлабки оралиқ ва якуний назорат қилишдан иборат.

қуйи синфларда ўқувчиларнинг амалий фаолиятларига асосий эътибор берилади бунга ўқув вақтининг 80-85% ажратилади. Шунга карамай дастур ўқувчилар ишлов бериладиган материалнинг хоссалари ва уларни тайерланиш усуллари ишлатиладиган асбоблар улардан фойдаланиш коидалари ўз меҳнати фаолиятларини режалаштириш меҳнат маданияти ва

албатта хавфсизлик техникаси коидалари хақида тегишли маълумотлар олишларини таказо этади.

Меҳнат топшириқларини бажаришда ўқувчи кўрсатма қўлланмалар уйинчоклар моделлар табиий материаллардан бумлар ясайдилар

1-4-синфдаги барча фанларни ўқитиш, ўқувчиларни меҳнат қилиш ва касб танлаши билан ўзвий боғлаб тайёрлашдан иборат.

1-4-синфда меҳнат таълими фани мазмуни шартли равишда умумий меҳнат таълими тайёргарлиги унинг мазмунига мавжуд бўлган касблар атрофлича маълумотлари билан танишилган ҳамда шу ёшга махсус тайёргарлик қисмларидан иборат. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчи ва услубчилар томонидан илмий услубий нуқтаи назаридан ҳисобга олган ҳолда, тахмин қилиб бериш, меҳнат таълими машғулотларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлаш учун зарур меҳнат таълими дарсларини 1-4-синфда умумий ва бадиий меҳнат кўрси халқ амалий безак санъатлари соҳасидаги айрим касблар асослари билан таништиришни назарда тўтади. Бу кўрс бўйича машғулотлар мазмуни бажарилаётган меҳнат жараёнининг ажралмас қисми бўлган амалий эскизлар, жадваллар, расмлар, нақшлар ишлаш ва айрим дизайнерлик қоидаларини ўргатишдан иборат. Шу нуқтаи назарга асосланган ҳолда 1-4-синф меҳнат таълими ўқув фани таркибига қуйидаги кўрслари киради:

1. Умумий ва бадиий меҳнат;
2. Амалий ишлар тайёрлаш тартиби технологик асослари.

Ушбу йўналишнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги мавзулар бўйича ўзоро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари.
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва уларни ишлатиш усуллари.
3. Миллий хунармандчилик касблари бўйича умумий маълумотлар ва ўзоро турдош касблар бўйича дастлабки тайёргарлик ҳамда уларни 5-синфда

ўзоро уйғунлаштирилган ҳолда интеграциялаштириб ўқитиш жараёнида амалга ошириб борилади. 1-4-синфда таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашларини кенгайтирган ҳолда олиб борилади. Улар касб-ҳунарни онгли равишда танлашга йўналтириладилар.

Бунда ўқувчиларнинг танлаган касбларига нисбатан қизиқишлари шу касблар уларнинг майилларига мувофиқ ва қобилиятлари турларига мос бўлишини, касб танлашнинг онгли ва мустақил равишда амалга оширилишини, ўқувчилар шахсий интилишлари ва имкониятларини жамият эҳтиёжлари билан мос келишини таъминлаш лозим. Бу вазифа табиийки 1-4-синфга келганда ҳал қилинади деб тушунилмаслиги лозим. Аслида касбга йўналтирилишлари ўқувчилар билан 1-синфдан бошлаб барча фанлар мавзулар ўзвий боғлиқлиги асосида уларга касблар турлари билан таништириш ҳамда табиат, одам-техника, одам-одам, одам-билим тизим, одам бадий образ типларининг қайси бирига мос эканлигини аниқлаш ҳамда шу йўналишида ривожлантириб бориб жараённинг натижаси ҳисобланади.

1-4-синфда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари маҳаллий ихтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек исдиқболларини белгиловчи чамбарчас иборалар тавсиялари асосида ҳамда маҳаллий касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. 1-4-синф меҳнат таълими дарсларида ўқувчида касб турларига оид билим, кўникма ва малакаларни мактаб жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танланадиган касб, асосида шакллантирилади. Ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ мактабларда меҳнат таълими машғулотларининг мазмуни асосида миллий ҳунармандчилик касблари йўналишида олиб борилади. Йирик саноат ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлардаги мактабларда меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни шу саноат соҳасига оид замонавий касбларга йўналтириш имкониятлари яратилиши лозим.

Ташкилий вазифалар. Меҳнат таълими бўйича назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув хонаси ҳамда унда махсус иш жойи ташкил қилиш ва

уларда хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини ташкил қилиш. Ўқувчиларни машғулотлар учун зарур материаллар ҳам ашёси, асбоблар билан таъминлаш масалалар механизмлари билан ишлашларни ташкил қилиш.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида меҳнат таълими ўқув фанига 1-4 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, 5-7 синфларда ҳафтасига 2 соатдан ва 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ҳаммаси бўлиб 4-8 соат вақт ажратилади.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш кўзда тутилади. Мактабларда меҳнат таълими мазмуни асосан қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади.

1. I-IV синфлар кенг кўламда ишлатиладиган турли хил оддий материаллар (қоғоз, рангли қоғоз, картон турлари, калька, поралан, пеноплас, пахта ва матолар қийқимлари, пластилин, симлар ва бошқалар) билан таништириш улардан ўйинчоқлар ва оддий буюмлар ясаш, халқ хунармандчилиги тўғрисида бошланғич тушанчалар бериш, ўқувчиларини ўз-ўзига хизмат кўрсатишга одатлантириш, уй-рўзғор буюмларининг кичрайтирилган нусхаларини моделлар, макетларни тайёрлашни, турли хил шакллар меҳнат таълими дарсларига ажратилган ўқув соатларини яна бир соатга ошириш мақсадга мувофиқдир, чунки 1 соат давомида ўқувчиларга бажарадиган ишлари тўғри-сида умумий назарий маълумотлар берилса, кейинги соатда эса айtilган иш ҳаракат усуллари амалда бажарилади, буюмларни ясаш усуллари, услублари ўрганилади.

3. V-IX синфларда меҳнат таълими ва касбларга йўналтириш 5 асосий йўналиш бўйича ташкил этилади ва 4-7 синфларда ҳафтасига 2 соат, 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соат меҳнат таълими дарсларини ўқитилади. Ёғочга ишлов бериш технологияси. Металлга ишлов бериш

технологияси.Газламага ишлов бериш технологияси.Пазандачилик асослари.қишлоқ хўжалик асослари.Меҳнат таълими тамойиллари таълим бериш назариясини бошланғич қоидалари бўлиб улар ўқув ишларининг мазмунини унинг ташкилий формаларини ва ўқитувчи меҳнат дарсини тайёрлаш ва ўтказиш вақтида амал қилиш лозим бўлган методларини белгилаб беради. Меҳнат таълим тамойиллари ўқувчиларнинг тарбия мақсадларидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки таълим жараёни моҳияти турли олимлар томонидан турлича тушунишганлиги сабабли дидактиканинг айрим тамойилларини талқин қилиш ҳам шуннигдек уларни баён қилиш тўзилиши ҳам турлича бўлади.

Меҳнат таълими тамойилларини баён қилишда уни жуфтлаб ўрганиш принципини тўғри деб ҳисобламоқ керак. Шундай қилганда меҳнат таълими дидактиканинг айрим тамойиллари ўртасидаги муайян объектив мавжуд алоқани кўрсатиш имконияти туғилади.

Ўқитувчининг ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ва ўқувчилар томонидан уларни ўзлаштириш усуллари ўқитиш методи деб юритилади.

Ўқитиш методини дарс жараёнида қандай ва қайси турини қўллаб олиб боришига ўқитиш формаси дейилади. Ўқитиш форма ва методлари таълим тўғрисидаги қонун кадрлар тайёрлаш миллий дастури фаннинг олдида ўқитиш форма методларини такомиллаштириш муаммоларини қўймоқда. Замонавий фан техника тараққиёти ўзгариб борган сари меҳнат таълими методларининг янги усуллари пайдо бўлмоқда масалан олдинги вақтда ўқитишнинг догматик ёд олиш усули бўлган ҳозирги кунда эса янги педагогик технолгиялар замонавий педагогик технологиялар муаммоли уқитиш ахборот технологиялари кириб келмоқда ўқувчиларга янги билимлар бериш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш билимларни амалда қўллаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Меҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш меҳнат методикасида жуда катта ўрин тўтади. Меҳнат таълими дарсларида амалий машғулоти бажариш купрок вақтни 80-85%ни таршкил этади.

. Таълим методларини танлаш аввало ўқув матиралининг ва ўқув вазибалари харақтерига боғлиқ. Илмий техник тафаккурнинг борган сари усуви ва ёшларнинг фан техниканинг жушхин ривожланишида фаол иштирок этишлари фақат таълим мазмунини эмас, балки уқитиш жараёнини усули ва ташкил этилишини, уқитишга кизиқишни, ижодий қобилиятни, эгаллаган билимларни амалда қўллаш билишни ривожланиш мақсадларида янада такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Уқитиш методлари – бу ўқитувчи рақбарлигида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгалашларига эришилади.

Ўқитувчи ўз амалиётида ўқитишнинг хилма хил усулидан фойдаланиш мумкин. Битта дарснинг ўзида турли усулларнинг қўлаши мумкин.

Таълим методлари қўйдаги асосий талабларга мос қилиши керак.

1. Мазмуннинг тўғрилиги. Уқувчиларга айтиладиган фақитлар ўқув праграммасининг мазмунига мос қилиши ва илмий асосланган бўлиши керак. Қуп миқдордаги фақитларга кизиқиб қетмаслик лозим.
2. Аниқлик ва исботлилик. Меҳнат таълимининг мазмуни одатда ўқувчилар танишадиган назорат қоидаларни ва меҳнат усулларни бажариш қоидаларини қиска, аммо аниқ ва ишончли асослаш эмоциналлиги.
3. Баённинг эмоциналлиги. Агар ўқитувчи ўзи баён қилаётган материалга лоқайд муносабатда бўлса, бу ҳол ўқувчиларга ҳам ўтади ва аксинча, ўқитувчи материални таъсирчан йусинда баён қилсалар фақитлар тўғри танлаш бунга ердам беради, у ҳолда ўқувчилар янги маълумотларни яхши идрок қиладилар ва хотираларида яхши сақлаб қоладилар.

Ўқитувчи нутк маданияти, унинг ўқувчилар тушуна оладиган бўлиши зарур. Укитиш методлари доим ҳам замонавий мактабларда қўлланиладек булавермаган. Мактаб ривожланиб борган сари укитиш методлари ҳам ўзгариб борган. Огзаки баен қилиш методи икки формада мавжуд бўлиши мумкин: 1. Монологик баен қилиш, бунда фақат ўқитувчи гапиради, ўқувчилар эса унинг нуткини идрок этиб, англаб оладилар. Куп меҳнати дарсларида у тушунтириш ва хикоя қилиш, инструктаж кўринишида булади. 2. Диологик баен бу – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро суҳбатидир.

Хикоя қилиш – бу дастури материални жонли ва образли баен қилишдир. Бу ҳолда янги билимни ўқитувчининг ўзит беради. Баъзан суҳбат давомида ўқувчилар тушунтириладиган нарсаларни канчалик ўзлаштириладиганликларини аниқлаш мақсадида уларга саволлар билан мувожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Хикоя агарда бажарилган ишлар, натурал намуналар, расмлар, фотосуратлар ва шу қабиларни кўрсатиб қилинса, анчагина тушунарлироқ булади. Бу уринда тушунтириладиганда кўрсат ва тушунтир деган койда бажарилади. Янги материални баен қилишда ўқувчиларнинг бир хил эмаслигини назарда тутиш лозим. Тушунтиришда буш ўзлаштирувчиларга алоҳида эътибор бериш лозим. Хикоя қилиш жараенида уларнинг идрокларини активлаштириш мақсадида тушунтириладиган материал юзасидан уларга бир-иккита савол бериш мумкин. Ўқитувчи хикояси кўйидаги талабларга жавоб бериши мумкин:

У мазмунига кўра дастурида назарда тутилган барча ўқув материални аниқ ва тулик камраб олиши керак: Баен этилиши шаклига кўра – аниқ, тушунарли, мантикий, иборалари содда бўлиши зарур. Материал кизиқарли ва ўқувчиларнинг фикрини активлаштирадиган, диққатини енгилликнинг асосий элементларига жалб қиладиган бўлиши лозим:

Хикояда ўқитувчи ўқувчиларбоп факт ва тушунчаларга асосланиши лозим. Нутк содда ва аниқ булмаса, ўқувчиларнинг хикояга, кейинчалик предметга булган кизиқиши суниси мумкин. Ўқувчи хикоясида ўқувчиларнинг нуткини янги ибора ва сўзлар билан бойитувчи янги сўз ва

терминлар бўлиши, уларнинг маъносини шу вақтнинг ўзида тушунтирмоғи шарт.

Хикоя жараенини ўқувчилар яхшироқ тушуниб олишлари учун кўрғазмали кўроллар – тикувчилик махсулотлари, натурал предметлари, расмлар, фотосуратлар воситасида ўқитувчи воқеани намойиш этиб бормоғи даркор.

Инструктаж – меҳнат таълимининг самарали методларидан биридир. Инструктажнинг максуди ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини уюштириш ва йуналтириш оркали уларнинг амалий-билим, кўникма ва малакаларга эга булишлари ҳамда уларда меҳнатга онгли ижодий ёндошишни тарбиясини таъминлашдир.

Инструктаж олган ўқувчига ишнинг максуди ва усуллари равшан бўлиши керак. инструктажнинг вазифаси ўқувчиларга технологик жараенни онгли ва тўғри таништиришни ургатишдан иборатдир.

Инструктаж олган ўқувчилар: ишни рационал усулларда ва тўғри изчилликда бажара билишлари, меҳнатни ташкил этишнинг белгиланган формалари ва хавфсизлик техникаси коидаларининг амалга оширилишлари, йул кўйилган хатоларни иш жараенида тўзатишлари ва уларнинг пайдо булиш сабабларини бартараф эта билишлари керак.

Инструктаж огзаки ва езма, индивидуал, звено ёки группавой бўлиши мумкин. Огзаки инструктаж суҳбат ёки хикоя қилиш методи оркали берилиши мумкин. Суҳбат ва хикоя қилиш жараенида ҳам предметлар ёки иш усулларига намойиш этилиши мумкин.

Сўз ва кўрсатишнинг ир-бирига муносабати ишнинг тўғри ва мураккаблигига кўра хал этилади. Масалан, кўйлак тикиш ишнинг ташкиллаштирилиши назарда тутилганда асосий иш тушунтиришга, чокларни тикишга ургатишга керакки, бирор чокни кандай тикиш кераклиги кўрсатилаётганда бу ҳаракатнинг максуди албатта тушунтирилиши лозим.

Инструктаждан сўнг, ўқувчи экологик билимларини амалий меҳнат ҳаракатларига тадбик этиши даркор. Бирок барча ўқувчилар ҳам

инструктажни бир хилда идрок этмайдилар, бирлари керакли ҳаракатни оғзаки баендан тасаввур кила олмайдилар, иккинчиларига кўрсатиш, тушунтириш керак булади, ўқувчиларга тушунтириш вақтида ҳамма нарсани тушунадилар, бироқ бу ишга киришганлариек, уларни унўтадилар. Бу ҳолат улардаги билиш типининг хусусиятларига ҳамда биринчи ва иккинчи сигнал системалари муносабатларининг хусусиятларига юкоридир.

Топширикнинг яхшироқ онгланиши ва бажарилиши учун инструктаж жараенида ўқувчиларни булажак ишини планлаштиришга жалб қилиши, топширикни бажаришга алоқадор масалаларни улар билан муҳокама қилиш, инструктаж ўтказишда ўқувчиларни диққатини ўта муҳим технологик жараенларга жалб қилиши.

Бошлангич синфларда меҳнат машғулотларини муваффақиятли ўтиши, меҳнат таълим ва тарбиясида самарали эришиш куп жихаттадан ишни тўғри режалаштиришга боғлиқ.

Меҳнат таълимини режалаштириш ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат булиб, у дидактика принципларига тула туқис мос келадиган бўлиши керак. Меҳнат таълимини режалаштириш ҳар -бир ўқитувчининг таълим режаси ва дастурини бажаришни, меҳнат буйича ўқув материалларининг мазмунига тулик жавоб берадиган ҳужжатлари бўлиши лозим.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар чорак учун меҳнат дарсларини шундай режалаштиришдан иборатки, бунда ўқитувчи болалар томонидан ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан кенгайтириш ва мараккаблштириш ишларни ва болалар жамоасини кундалик ҳаётида керак булган буюмлар тайёрлаш ва бошқа ишларни бажариш билан бирга кушиб олиб боришни назарда тутсин.

тажриба ишни режалаштиришда маҳаллий шароитни, мактаб шароитни йилномада қизил билан белгиланган байрам ва дам олиш кунларини ва бошқаларни ҳисобга олиб кўрсатади.

Дастур буйича болалар меҳнатининг хусусиятларидан бири уларга фақат билим берибгина қолмай, балки уларнинг маданий ахлоқ коидаларига хусусан батартибли, озодали ва бошқаларга ургатишдир. Шунинг учун ўқитувчининг биринчи кунларидан бошлаб кийим-бош ва оёқ кийимларига караш маданий хулқ-атвор коидаларига ургатиш машгулотларини режалаштириш зарур.

Болаларни ана шуларга ургатиб, кейинчалик йил давомида ургатиб, йил давомида ота-ноалар билан келишган ҳолда, болалардан мактаб қўйган вазибаларини бажаришларини катъий талаб қилиш керак.

Меҳнат дарсларини режалаштиришда маҳаллий об-ҳаво шароитларни, хусусан усимликларни усиш ва ривожланиш муддатларини этиборга олган ҳолда кишлоқ хужалик меҳнати буйича баҳорги, ёзги, кўзги машгулотлар утказишнинг оптимал вақтини аниқлаш, синфда ва мактаб ер участкасида утказилган машгулотларни навбатлаштириш режасини ҳисобга олиш зарур. Табиий шароитга караб, усимликлар устириш мавзусини истаган бошқа мавзу билан, шу жумладан қоғоз ва картон билан навбатлаштириш мумкин. Маълумки, бир мавзулар болаларнинг техник конструкторлик қобилиятларини устириш мақсадидангина эмас, балки математика табиатни ўрганиш, она тили ва бошқа дарсларда қўлланиладиган кўрсатма кўролларни тайёрлаш мақсади утилади.

Масалан кушиш ва айиришни ургатиш учун болаларга дидактик билимлар керак. Улардан баъзиларини хусусан санок материалларини меҳнат дарсларида билиб олиши мумкин.

Бундан қоғоз ва картон билан ишлаш, техник моделлаштириш ишларини, бошқалар билан навбатлаштириш зарур, дэган хулоса чиқади.

Экскурсия утказишни урганилаётган материалга мувофиқ қўйилган материални кўзлаб режалаштириш керак.

Ўқитувчи меҳнат дарсларини режалаштиришда ҳам ўз хусусиятларига кўра бошқа синфлардаги каби булади. Ўқитувчи аввал қоғоз мато билан ишлаш дарслирини, утиб булиб, кейин ҳар-хил материаллар билан

ишланадиган дарсларни, шунинг декдастлаб техник меҳнат булимига, кейин эса қишлоқ хужалик меҳнати булимига оид дарсларни утмайди.

Ўқитувчи ҳар чорак давомида мавсумий шароитларни ва болалар коллективининг ўқув, ижтимоий ва маданий ҳаёти эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ҳар-хил материаллардан буюмлар ясаш, техник моделлаштириш, техника ва қишлоқ хужалик меҳнати дарсларини алмаштириб ўтади. Ясалган буюмлар сони эмас, уларнинг ясаш жараёнида, усимликларни парваришlash ва тажриба ишларида ўқувчилар эгаллаган билим ва малакалар муҳимдир. Шунинг учун ўқитувчи синф журналида аввал дарсда болаларга берилган билим ва малакаларнинг қисқача мазмунини, кейин ясаладиган буюм ёки бажариладиган амалий ишни кўрсатиш лозим.

Ўқитувчи у ёки бу чоракда утиладиган меҳнат дарсида ишланадиган, ҳар қайси синф дастурисида тавсия этилган буюмларни турмушдаги аҳамиятига қараб танлаши фойдалидир. Бунинг учун болалар коллективининг ва айрим болаларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондирган буюм ёки буюмлар группасини танлаш маъқул.

Болалар боғчасини оталикка олишни йўлга қўйишда ҳар-хил ёшдаги болалар уртасида дустликни мустаҳкамлаш, катталарни кичик ёшдагилар ҳақида гамхурлик қилишгина эмас, балки меҳнат таълими дарсларида олинган билимларни кичкинтойлар учун турли хил совгалар тайёрлаш жараёнида мустаҳкамлаш имкониятидан тайёрлаш кўзда тутилади

Ўқитувчи ҳар-бир дарсни шундай тақсимлаш керакки, натижаси самарали чиқиши керак.

1. Кириш қисми.
2. Ўқитувчининг оғзаки йул-йурик кўрсатиши.
3. Ўқувчиларнинг топширикни мустақил бажарилишлари.
4. Ишни текшириб ва ўзил-қисил баҳо қўйиб ҳисобга олиш.
5. Уйга берилган топширикни тушунтириш.
6. Синфни йиғиштириб тозалаш.

1-босқич кириш қисми; бу қисм мавзуга ўқув йилига қараб, яни ўқувчиларнинг билим даражасига қараб катта ёки кичик ҳажмда бўлиши мумкин. Бу қисмда одатда дарснинг васифаси, ишнинг ҳажмини бажариш муддати баён қилинади.

2-босқич ўқитувчининг оғзаки тушунтириши. Бу босқич биринчи босқич билан ўзвий равишда боғлиқдир. Ўқувчилар вазифани, материаллар, асбоблар қўлланиладиган усулларни хусусиятларини англаб этишлари лозим.

Ўқувчиларга савол бериш орқали уларнинг оғзаки тушунтирилган йўл-йўриқни тушунганликларига қаноат ҳосил қилгандан кейингина, ўқитувчи уларга мустақил равишда бажаришга киришиш учун руҳсат беради.

3-босқич дарснинг асосий қисми бўлиб, бу босқичда ўқувчилар берилган ишни мустақил бажарадилар. Ўқувчиларнинг ишлари дарс тугашига 8-10 дақиқа қолганда тикширилади бошланади. Текшириш вақтида ижронинг тула тез ва пухти бажарилганлиги аниқланади.

4-босқич-ишни текшириб ва ўзил қисил баҳо қўйиб, ҳисобга олиш. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ишига қисқача тавсия беради ва бу ишга қўйилган баҳони журналга қайд этиб қўяди.

Ўқувчилар этикеткалар қилиб, ясалган буюмлар устига ёпиштириб қўядилар.

5-босқич уйга берилган вазифани тушунтириш. Бу босқич 4 босқич билан боғлиқдир. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ишига баҳо бериш билан бирга ишдаги камчиликларини ҳам кўрсатади ва уйга берилган вазифани тушунтириш жараёнига бундай камчиликларни тугатиш учун қўшимча йўл-йўриқлар кўрсатади.

Бундан ташқари (агар қелгуси дарс учун зарур бўлса) болаларга, яъни уларга таниш бўлган усул қўлланиб янги буюм ясаб қелишни топширади ҳамда топшириқни бажариш учун батафсил йўл-йўриқлар кўрсатади.

1-босқич синфни йиғитириб тозалаш. Бунда ўқитувчи болаларни ишдан кейин синфни ўзларининг иш жойларини ҳамма вақт йиғиштириб юришга

ўргатиш керак ,шу билан бирга уларга меҳнат маданияти кўникмаларини ҳосил қилинади .

Материаллардан чиққан чиқиндилар ҳар қайси парта устига қўйилган мхсус қутича ичига солинади .

Демак ,меҳнат дарсини режалаштириш ва ўтказиш бўйича қуидагиларга эътибор бериш керак . Меҳнат дарсини режалаштириш ,ўқитувчининг меҳнат дарсига тайёрлиги , меҳнат дарсининг усуллари ва меҳнат дарсининг турлари ҳамда дарс конспектларига катта эътибор қаратилиши керак .

Юқоридагиларга ҳар бир ўқувчи амал қилса ,меҳнат дарси юқори даражада бўлади . Бошланғич синф меҳнат режалаштириш ҳам ўз хусусиятларига кўра аввалги синфлардаги режалаштиришга ўхшайди .

Ўқитувчи аввал қоғоз мато (газлама) билан ишлаш дарсларини ўтиб бўлиб ,кейин ҳар хил материаллар билан ишланадиган дарсларни,шунингдек ,дастлаб техник меҳнат бўлимига сўнгра қишлоқ хўжалик меҳнати бўлимига оид дарсларни ўтмайди .

Ўқитувчи ҳар чорак давомида мавсумий шароитларнива болалар коллективининг ўқув ,ижтимоий ва маданий ҳаёти эҳтиёжларини ҳисбга олиб ,ҳар хил материаллардан буюмлар ясаш ,техник моделлаштириш,техника ва қишлоқ хўжалик меҳнати дарсларини алмаштириб ўтади . Ясалган буюмлар сони эмас ,уларни ясаш жараёнида ,ўсимликларни парваришлаш ватаржиба ишларида ўқувчилар эгаллаган билим ва малака муҳимдир.Шунинг учун ўқитувчи синф журналида аввал дарсда болаларга бериладиган билим ва малакаларнинг қисқача мазмуни ,кейин ясаладиган буюм ёки бажариладиган амалий ишни кўрсатиш лозим .

Ўқитувчи у ёки бу чоракка ўтилаётган меҳнат дарсига ишланадиган ҳар қайси синф режасида тавсия этилган буюмларни турмушдаги аҳамиятга қараб танлаши фойдалидир. Бунинг учун болалар жамоалаштиришнинг маиший хўжалик мақсдлари , табиатда ишлаши ва уни кўзатиш учун ,умумтаълим предметлари бўйича дарслари ,байрамларга тайёрланадиган

Ўйинларни, жамоа бўлиб дам олишни нг бошқа турларини жиҳозлаш учун жамоат ишларига эҳтиёжларни қондириш учун меҳнат дарсларида ясаладиган буюмлар ва бажариладиган ишлар айрим болалар ёки 4 синф ўқувчилари гуруҳларининг қизиқиши ва хоҳишига мос бўлиши керак.

Меҳнат дарсларини режалаштиришга оид тавсиялар тахминийдир, Шунинг учун ўқитувчи мактабнинг шароитига, мвсум, иқлим ва об ҳавосига қараб айрим дарслар ўрнини алмаштириши, айрим буюм ва ишни танлаши мумкин.

Ўқувчиларда режада ифодаланган ва меҳнат таълими дарсларининг ягона асоси ҳисобланган барча бўлим малакаларини ҳосил қилиш мажбурийдир.

Табиийки, ўқувчиларда меҳнат ва касб-хунарга муҳаббат ҳисси ўзидан вужудга келмайди. Меҳнат таълими дарсларида, дарсдан ташқари турли тадбирлада ва тугарак машгулотларида жаҳон халқларининг шу жумладан, шарқ халқларининг асирлар давомида ардоқланиб келаётган меҳнатсеварлик анъаналари ва касб-хунар тўғрисида кенгрок тушунча бериш орқали таркиб топтириш мумкин.

Афсуски, Мрказий осий мўтафаккирлари ва жаҳон инсонпарвар – тарбияшунослари, марифатпарвар шорларида асрларида илгари сурилган меҳнат ва касб-хунарнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти утмишдаги мазлум халқнинг меҳнатсеварлик анъаналари ва меҳнат касб-хунар ахлининг ижтимоий-иқтисоди аҳоли тўғрисидаги масалалар хали урганилмаган .

Ўзбек халқ мўтафаккири ва маърифатпарвар шоирларнинг меҳнат, касб-хунар тўғрисидаги қимматли фикрларнинг биз учун аҳамиятли томони шундан иборатки, улардан ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш воситаси сифатида мактабларда кенг фойдаланиш мумкин.

Халқимиз асрлар давомида яратган саноксиз дурдоналари орасида меҳнатсеварлик ва касб-хунар ўрганиш мавзусига оид мақоллар хали салмоқли урин тўтади. Буларда халқ турли масаллар, ухшатишлар воситаси билан ёшларни меҳнатни севишга ундайди.

Шунингдек халқ тарбияшунослигининг нодир ёдгорликлари саналган «Алпомиш», «Гуругли», «Рустамхон», «Кундўз билан Юлдўз» каби бошқа дostonларда ҳам меҳнат ахли ва хунармандларнинг муъжизалар яратишга кодирлиги улугланади. Бу дostonлардаги турли хунар эгаларининг меҳнат фаолиятлари тасавирланган эпизодларни укиган киши халқ меъморчилиқ, наққошлиқ, тоштарошлиқ, заргарлик билан шугулланувчи кишиларга, дехончилиқ, чорвачилиқ, овчилик ва бошқа касб захматкашларига катта хурмат билан караганлиги, бу соҳаларда ҳам қобилиятли ва ўз касбининг мохир усталари этишиб чиқишини орзу қилганлигини билиб олиш қийин эмас.

Ўзбек халқ ижодиёти бойлиқлари ичида катталардан болаларга мерос қоладиган угитлар, топишмоқлар, эртақлар, қушиқлар, ҳамда меҳнат қушиқларидир масалан:

Урогим чаккон	Урогим олмос
Сен менга ёккан	Уришдан қолмас
Қўлгинам чаккон	Сира ҳам толмас
Меҳнатта боккан.	Урмасам булмас.

Топишмоқлар:

Ўзи жонсиз,	Биз бу ерда турамиз,
ишга полвон. (кетмон)	Хизмат бўлса қиламиз.
	Икки соҳиб бошида,
	Икки қатор булиб оамиз. Арра).

Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги тарих тўфанларию ур йиқитларига бардош бериб, тажриба-синовлардан мувафакқият билан ўтиб, тобланиб, ҳар бир даврда ўз фаолиятини такомиллаштириб, авлодлар тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйнаб келди. Қуйида биз бошланғич синфларда қулланиладиган халқ мақолларидан мисоллар келтирамиз.

Меҳнат-саломатлик гарови.

Меҳнат қилган дард кўрмайди.

Меҳнат – танга даво, жонга-шифо. (Носир Бухорий).

Ўғил топсин санъат-хунарда камол

Бу хунар билан у тера берар мол. (Юсуф Хос Ҳожиб).

«Бахт йўлда эмас, қўлда», «Бахт қушини ушламоқ учун, бахт овига чикмоқ керак»; «Бахтли одамни излама, бахт йўлини изла», дэган мақоллар ҳам борки, булар билан: «куруқ тилак, орзу-истак, умид БАХТ –ТИЛАҚДА ЭМАС, БИЛАҚДА. «Кишининг бахти-бел, билаги билан бахтга эришолмайсан, билагингни ишга сол, меҳнат қил», демоқчи бўладилар.БИРНИ КЕССАНГ ЎННИ ЭК. Ҳалқимизнинг бу ва бу сингари бир туркум мақолларида кўчат экиш, боғ қилишга тарғиб этилади: «Бир дарахтдан ўн бўлур, ўнтасидан-ўрмон»; «бир туп ток эксанг, бир туп тол эк», «Боғбоннинг тол эккани-ўзига ном эккани».ДАНГАСАНИНГ ИШИ БИТМАС, ЁЗ КЕЛСА ҲАМ КИШИ БИТМАС. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида ишёқмаслик ва дангасаликни энг ёмон иллат сифатида қаттиқ қоралайди, ишламай, бекор лақиллаб юрувчи шахслардан хазар қилади, ишёқмасликнинг оқибати ёмон бўлишни турли мақолларда кўрсатади: «Ёз бор, қиш бор, дангасада иш бор?»; «Аёз-аёз кунларда олма терарбоқи акам, қорли-музли кунларда хирмон йиғар боқи акам»; «Эринчоқ экинчидан эринмаган машоқчи ўзибди»: «Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар»; «Ёмон косиб бигиз танлар»; «Ишёқмас мардикор кетмон танлар»; «Ишликнинг иши битар, ишсизнинг куни ўтар»; «Иши йўқ эшак хуркитар»; «Иши йўқ чивин тўтар»; «Ишсиз-иягин уқалар»; «ишчан келса-иш битар, ялқов келса-иш йитар»; «Ишчан ерни яшнатар, ялқов ерни қақшатар»; «Тайёрга-айёр», «Иш дэганданофармон, ош дегнада-жон қурбон» (нофармон-бўйсунмовчи, итоат қилмовчи); «ош десанг –ботир, иш десанг ётир»;

Меҳнатсеварлик ўзбек халқининг миллий урф-одатлари билан бевосита боғлиқдир. У халқнинг дарди, миллат манфаати ва эҳтиёжини қўллаб-қувватлайди. Кишиларнинг меҳнатсеварла-шувига, ватанпарварлигига, ўзини англашга таъсир қилади. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ҳақидаги билим, малака ва бой тажрибаларини келгуси авлодга ўтишда кўприк бўлиб хизмат қилади.

Меҳнатсеварлик ташқаридан, мўтафаккирларнинг ҳаракати билан киритилган эмас. У халқ тафаккурининг узвий қисми бўлган. Шу анъана мустақиллик йилларида янада давом эттирилмоқда. Меҳнатсеварликнинг ҳозирги ҳалқимиз воқелигида намоён бўлиши шундан иборатки, мустақил Ўзбекистон тарихий тараққиётининг энг аҳил йўлидан, тинчлик, барқарорлик ва тотувлик йўлидан бормоқда.

Дарҳақиқат бугунги кунда меҳнатсеварликнинг энг асосий йўналишлари бўлган тинчлик, барқарорлик, тотувлик Ўзбекистон давлат сиёсатининг устивор даражасига кўтарилди. Яъни, Ўзбекистон сиёсатида тинчлик – бу давлатлар аро ва халқлар ўртасидаги муносабатларнинг зарур сифат ҳолатига айланди. Унинг мазмуни турли миллат халқларига ҳурмат ва ишонч, суверенитет ва мустақилликни сўзсиз тан олиш, нафрат билан куч ишлатиш, балки уни қўллаш билан кўрқитишдан батамом воз кечиш ўрин эгаллади.

Дарҳақиқат, меҳнатсеварлик – инсонларнинг инсонларга нисбатан меҳр-оқибатлилиги, саховатлилиги, мурувватлилиги, бошига оғир кун тушганда ҳамдардлик демакдир. Ойниса Мусурмонованинг таъкидлашича «Меҳнатсеварлик инсоннинг эзгу фикри, эзгу амалий бирлигидир. Меҳнатсеварлик – она заминда яшаётган миллатидан, динидан, ижтимоий аҳволидан қатъи назар барча инсонларга нисбатан ғамхўрликдир.



Меҳнатсеварлик ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг ҳуқуқ-атворида ижтимоий вазифасини бажариш билан бирга ахлоқий тарбия тамойилларидан биридир. Меҳнатсеварлик ўзбек халқининг қадриятларидан ҳисобланиб, инсонларнинг жамиятда, оилада, меҳнатда, бир-бирларига муносабатда ва ўз-ўзларига муносабатидаги меъёрлар ва қоидаларнинг йиғиндиси. Меҳнатсеварлик давлат органлари томонидан ҳимоя қилинадиган ва назорат қилинадиган ҳуқуқ меъёрларидан (қонунлардан) фарқлаш лозим. Меҳнатсеварлик кишининг хатти-ҳаракатида, унинг жамиятга, меҳнатга, оилага, жамоага муносабатида ўз ифодасини топади.

Мехнатсеварлик кишининг ахлоқий меъёрларини чуқур англаши (билиши) ва уларга сўзсиз амал қилишидир. Мехнатсеварлик инсоннинг шахсий қарашларига, эътиқодларига ва одатдаги хулқ-атвор шаклларини белгиловчи принципларига айланади.

Хулоса шуки, ўзбек халқ оғзаки ижоди материалларида меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълими хақида гап юритилар экан, уни амалга оширишда халқимиз қадим замонлардан бери қўлланиб келган ва синовдан утган, ҳозиргача ўз қимматини йукатмаган усул ва воситалар акс этирилган. Халқ тарбияшунослигидаги меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълимини ўрганиш ва уларнинг мактаб тарбиявий ишларидаги услуб ва воситалар билан уйғунлаштириш тарбиявий ишимизнинг самарадорлигини оширишда муҳим омилардан бири сифатида хизмат қилган булар эди. Бунинг учун халқ тарбияшунослигида меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълимига доир материаллардан дарс ва дарсдан талшқари тарбиявий ишлард, болани меҳнат севарлик руҳида тарбиялаш ва касбга йуналтириш мавзусидаги суҳбатлардан фойдаланиш буйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш айтилган. Халқ тарбияшунослигидаги меҳнат тарбияси ва касбга йуналтириш йўлларини ёш авлодимиз онгига сингдириш, уларни халқ оммасининг илғор меҳнат ва хунармандчилик анъаналарига бефарқ қарамастекка ургатиш ўқитувчиларнинг муқаддас вазифасидир. Бу юк мўтафаккирларнинг меҳнат тўғрисидаги халқ мақоллари ва хикматли сўзлари болалар онгига, дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади. Меҳнат тарбияни вужудга келтиради. Инсоннинг меҳнат жараёнида ҳосил қилган дастлабки малака ва қўникмалари авлоддан-авлодга ути қилган. Меҳнат фаолияти мураккаблашиб, меҳнат соҳасида тажрибалар тупланиб борган сари, кейинчалик атроф-теварақдаги ҳаёт тўғрисидаги билимлар йиғилиб борган, тарбиянинг мазмуни ҳам ўзгариб боради. Тарбия билан энг билимдон кишилар шугуллана боладилар. Болаларга чорвачилик, яни хайвонларни боқиш деҳқончилик қилиш каби касб-хунарлар ургатила бошлади. Шундай қилиб, меҳнат ва касб ургатиш бола шахсининг ри вожи учун зарур бўлган


муҳим педагогик масала сифатида олдинга суриладики, бунда эртак кахрамонларининг ҳеч бири фақат меҳнатсевар ва маълум бир касбни эгаллабгина қолмасдан, балки илмли, Бошланғич синфларда таълимни ташкил этишга замонавий ёндашув, замонавий тафаккур таҳлилини талаб

этноқда. Узлуксиз педагогик таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришда ушбу муаммонинг илмий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимига эга бўлиши ҳозирги кун






педагогикасининг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланди


жисмоний соғлом ва маънавий қамолатга эришган ахлоқий пок кишилар сифатида тасвирланади.



Бошланғич синфларда таълимни ташкил этишга замонавий ёндашув,



замонавий тафаккур таҳлилини талаб етмоқда. Ўзлуksиз педагогик таълимни



ташкил этиш ва ривожлантиришда ушбу муаммонинг илмий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимига эга бўлиши ҳозирги кун педагогикасининг енг муҳим ва долзарб вазифасига айланди.

Жумладан, ўқув жараёнда таълимни жараёнини, таълим технологиялари асосида ташкил этишнинг ўрни ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади. Таълим технологияси бошланғич синфларда таълимни ҳар томонлама такомиллаштирилган даражада лойиҳалаштириш, мавзудан келиб чиққан ҳолда мақсадлар қўйиш ва уларга тўлиқ еришиш имконини берувчи ўзвий боғланган таркибий қисмлар йиғиндиси деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу хулосадан келиб чиққан ҳолда бошланғич синфларда ҳар бир ўқитиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқиш билан бир қаторда, коллеж ўқувчиларининг ёши ва индивидуал хусусиятига хос бўлган ўқув-методик мажмуа тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари лойиҳага қўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланишга оид методик тавсиялар берилди.

Бу жараёнда куйидаги тамойилларга амал қилинади: тарбия технологиясининг инсонпарварлик мақсадига йўналтирилганлиги; иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги; тарбия ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг изчиллиги; ҳар бир ёш даврига хос қонуниятларнинг ўзаро ўзвийлиги; тарбияланувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; ташаббус, эркинлик ва ижодкорликнинг бирлиги; тарбия, таълим ва ривожланишнинг яхлитлиги; тарбия асосида таълим беришнинг устиворлиги.

II-боб. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шарт-шароитлари .

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шакл ва усуллари .

Республикамиз мустақил булганидан сўнг таълим ва тарбия соҳасига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Айниқса бошланғич синф хатто мактабгача муассаларда табакалаб уқитиш йўлга қўйилди.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири дарс самарадорлигини ошириш сифатини яхшилашдан иборатдир.

Ҳар бир дарс тарбиявий ҳарактерга эгадир. У ўқувчиларни гоёвий мафқўравий меҳнат маънавий ва жисмоний тарбиялаш бирлигини таъминлайди. Дарс давомида ўқувчиларда меҳнатга муносабат тарбияланади ва уларда меҳнат кўникмалари малакалари сингдирилади. Ўқувчилар моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги амалий фаолиятига касбни онгли танлашга таёрланадилар. Дарсда ўқувчиларнинг чуқур ва мустахкам билимини эгаллаш жиддий қобилиятини устириш масалари хал этилади. Ҳар бир дарснинг ўқувчиларда диққатини жалб қилиш хотирлаш қиеслаш билиш фикр юритиш асосий нарсани ажратиш хулоса ва умумлаштиришлар ўз ишини режалаштириш уни керакли суратда амалга ошириш имкониятларини кўра билиши керак. Халқ мақоллари ёрдамида ўқитувчисининг болалар

билан махсус иш олиб бориши натижасида, улар ўз синфдошларининг муваффақиятларига, ютуқ ва камчиликларига дўстона қизиқиш билан қарай бошлайдилар, ўқув фаолиятига бутун синфнинг иши деб қарайдиган бўлиб қоладилар, болалар синф ҳақидаги фикрни чин кўнгилдан англай бошлайдилар ва уларнинг шахсий муваффақиятларига умумий муваффақиятнинг бир қисми деб қарай бошлайдилар. Ана шу тарзда жамоада дўстлик, ўртоқлик юзага кела бошлайди. Болаларнинг ижтимоий ишларни жамоа бўлиб амалга оширишда иштирок этишлари уларнинг бир-бирларига бўлган ишончни шакллантиради. Айнан мана шундай ишларда бола жамоа орасида амалга ошириладиган ижтимоий фаолиятнинг асосий тажрибасини эгаллаб олади.

Халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларининг меҳнатсеварлик фазилатларини камол топишида биргалашиб, жамоа бўлиб ўйнайдиган болалар ўйинлари ҳам катта роль ўйнайди. Чунки болалар ўйини фақат ирода, батартиблик, ҳозиржавоблик ва ташаббускорликни тарбиялаш билан бирга ўртоқлик, аҳиллик ҳиссини ва ўз ҳатти - ҳаракатларида жамоа манфаатларини кўзлаб иш кўриш фазилатларини ҳам тарбиялайди.

Шунингдек, халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларида меҳнатсеварликни шакллантиришда меҳнатнинг аҳамияти каттадир. Болалар ўз - ўзига хизмат қилиш, ўқиётган жойларини белгилаш учун бўладиган хатчуп, қутичалар, санаш материаллари, дафтар жилдлари каби ўзлари учун фойдали бўлган нарсаларни тайёрлаш билан шуғулланаётганларида уларда бир - бирига ёрдам бериш фазилатини тарбиялашга катта эътибор бериш керак. Чунончи, синф хонасини тозалаш, мактаб томорқасида ишлаш, спорт майдончасини супуриш, ўзларидан кичик ўқувчилар учун фойдали нарсалар тайёрлаш ва бошқалар бу ёшдаги ўқувчиларнинг бажариш учун қурбилари, кучлари етадиган ижтимоий - фойдали ишлардир. Зотан уларнинг меҳнат фаолиятларида меҳнатсеварлик хусусиятлари намоён бўлади. У ўзи учун бўлган нарсани кунт билан берилиб тайёрлайди. Бошқалар учун ишлаш тажрибаси ҳали уларда шаклланмаган бўлади.

Умуман, кичик ёшдаги болалар ўз меҳнатлари билан теварак - атрофдаги бошқа одамларга фойда келтиришларини секин - аста англай бошлайди. Бу эса болаларда ғурурланиш, шодланиш ва ўз ишидан мамнун булиш туйғуларини шакллантиради. Аслида, айнан мана шу туйғуларни кичик ёшдаги ўқувчиларда мустаҳкамланиб бориш керак.

Халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларнинг онгида меҳнатсеварлик шаклланиши устоз - ўқитувчининг роли беқиёс. Агар устоз шахсий ибрат кўрсатсагина тарбияда яхши натижага эришиш мумкин бўлади.

Тарбия заминиде шахс ҳиссиёти ётади. Шунинг учун ҳар қандай меҳнатсеварлик хусусиятининг шаклланиши ана шу шахс ҳиссиёти билан боғлиқ ҳодисадир. Шахсни шакллантириш ва унинг меҳнатсеварлик сифатларини ўстириб бориш психология фанининг асосий масалалардан биридир. Меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳамкорлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва поклик каби олижаноб хислатларни ўз ичига олади. Шунга кўра кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик тушунчасини бир бутун ҳолда ўзлаштиришлари учун ўқитувчи ҳар бир дарсни уларнинг ёшига ҳос тарзда ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Дарсининг мақсади ўқитувчининг ўқувчилар билан биргаликдаги таълим - тарбиявий ишлари натижасини ифодалайди. Бошланғич таълим жараёнида I-IV синфларда ўқитиладиган «Ўзбек тили», «Она тили», «Ўқиш», «Меҳнат», «Табиат», «Муסיқа маданияти», «Тасвирий санъат», «Жисмоний тарбия» каби фанлар асосида халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантиришнинг пойдевори кўйилади. Чунки, ушбу фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчилар онгига меҳнатсеварликни сингдириш, инсон ва жамият ҳамда унинг тараққиёти ҳақидаги тушунчалар, билимлар ҳақида муайян тасаввурни ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш, шахсининг ижтимоий йўналиши ҳақидаги кўникма ва малакалар шакллантирилади. Яъни, халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантириш I-синфдан IV синфгача бўлган давр мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди. Бу ёшнинг охири

даврларига келиб меҳнатсеварлик ҳақидаги билимлар тасаввурлар ва мулоҳазалар сезиларли даражада бойийди. Яъни, бошланғич таълимнинг асосий вазифаси ҳар томонлама ривожланган етук, баркамол шахсни тарбиялашдан иборат эканлиги туфайли ҳар бир ўқитувчи дарс жараёнида болаларда меҳнатсеварликка йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш, бу борада самарадорликка эришиш йўлида бериладиган билимлар муҳим аҳамиятга эга.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантириш асосида уларда миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусини камол топтиришда ўқиш дарслари муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунки, ўқиш дарслари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантирибгина қолмай, балки, уларнинг умуммаданий тафаккурини, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган меҳнатсеварликни, инсонларга ва атроф - муҳитга бўлган муносабатини ривожлантиради.

Бошланғич таълим 3 - 4 синф ўқувчилари учун чоп этилган «Ўқиш китоби»нинг дастлабки матнлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси билан бошланади.

Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларига давлатимиз мадҳиясининг моҳияти, мазмунини тушунтириш билан бирга унинг сатрларида ифодаланган меҳнатсеварликка алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Чунки, халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантириш жараёнида ўқитувчи қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари лозим.

1. Болаларда меҳнатсеварлик ҳатти-ҳаракатларини тарбиялаш;
2. Ўқувчиларда одамийлик, дўстлик, тўғрилиқ, адолатпарварлик муносабатларини камол топтириш;
3. Ўқувчи шахсида маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

Миллий истиклол мафкурасининг асосий ғоялари бўлган - Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги комил инсон кабиларни ўқувчилар қалбига ва онгига сингдириш.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратида дарснинг ўрни муҳим. Дарс шундай марказки, унда ўқитувчининг ҳар бир тафаккури ва ҳаракатлари шу марказ атрофида айланиб, яна унга қайтиб келади. Ҳар бир дарс ўқитиш жараёнига ўз хиссасини қўшади.

Замонавий дарс фақат ўқитишнинг метод ва формалари билан чекланиб қолмай, балки таълим-тарбия, ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида биргаликдаги ўзаро боғлиқлигини рўёбга чиқаришни, ижодий педагогик тафаккур, педагогик маҳоратни талаб қилади.

Ўқитувчининг ўқитиш воситалари унинг ижодкорлигига, кўп қиррали билимига, болаларни севиш фаолиятига асосланади.

Дарс беришда ўқитувчининг муваффақияти унинг назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи шу предметга қаршли психологик-педагогик, методик китобларни, журнал ва газеталарни мунтазам равишда ўқиб бориши, бадиий адабиётдан, ҳар хил кинофильмлардан фойдаланиши керак. Дарс бериш жараёнида воситалар ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ўқитувчининг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интеллектуал фаоллигига боғлиқ. Албатта бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс бир нечта омиллардан иборат. Шуларнинг асосийси – давлат томонидан қабул қилинган дастури. Ўқитувчи ўқув дастурининг асосий йўналишларини билиши ҳар бир дарсда 3 та масалага эътибор қаратиши керак. Булар:

1. Тарбиявий масалалар—ўқувчиларнинг атрофга бўлган дунёқарашини шакллантиради. Уларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. Илм оширадиган масалалар – ўз ичига ўқувчилар билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришни олади.

3. Билиш масалалари – ўқувчиларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида

ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишдаги кийинчиликларни енгишини шакллантиради.

Ўқитувчи ўзининг педагогик фаолияти давомида миллий истиқлол мафқураси асосида соғлом авлод шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Бунинг учун у кейинги йилларида чоп этилган адабиётлар, юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг миллий мафкура, маънавият, маърифат ҳақидаги ғояларини чуқур ўрганadi. Бунинг натижасида таълим-тарбия жараёнида мустақиллик, маънавият, миллий мафкура, Ватан, Ватан туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор, ўзликни англаш, фуқаро, миллий тафаккур, эркинлик, жамият ва шахс, одоб, хулқ - атвор, ифбат, иймон - эътиқод каби тушунчаларни ўқувчилар онгига етказишга ҳаракат қилади. Мактабда маънавий муҳитни ва ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантириш масалаларини самарали бўлишига эришади. Кичик ёшдаги ўқувчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли бўлиш, миллий урф-одатлар, одоб илмига доир тажрибаларни дарсларда қўллаш, баён, ёзиш каби ишларни амалга оширади.

Бошланғич таълим босқичларида маънавий - маърифий ишларни такомиллаштиришда яқиндан ёрдам беради. Меҳнатсеварликни шакллантириш асосида умуминсоний қадриятларга садоқатлилиқ, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларини эркин намоён қилиш, ватанпарварлик, ҳуқуқий маданият, экологик тарбия, Соғлом авлод шахсини шакллантириш, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги йўналишларида иш олиб боради.

Халқ мақоллари ёрдамида ўқитувчилари ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш билан бирга унинг ўзи меҳнатсевар сахий инсон сифатида мактабдагина эмас, балки ўқувчилар жамоаси ўртасида ҳам ҳурмат қозонади. У тез-тез ўқувчиларининг уйларида бўлиб, ота-оналари билан суҳбатда бўлади. Республикамизда миллий истиқлол мафқураси ҳақидаги ғояларни фуқаролар онгига етказди.

Болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдард бўлади.

Шуни айтиш керакки, республикаимиз мактабларида бу соҳада иш олиб бораётган бошланғич таълим фидойиларини кўплаб учратиш мумкин. Кузатишлар, иш тажрибалар шуни кўрсатадики, халқ мақоллари ёрдамида ўқитувчилари дарс машғулотларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишга, маънавий - ахлоқий савиясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берадилар. Бу албатта ижобий ҳодиса. Кичик ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантиришнинг мазмуни шакл ва методлари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам биз кичик ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантиришнинг мазмунини илмий педагогик асосларини аниқлаб ўқитувчиларга тавсия этишга ҳаракат қилдик.

Халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантириш дастлаб ўқиш машғулотларида амалга оширилади. Меҳнатсеварликни шакллантиришнинг вазифаси ва мазмуни бошланғич таълим босқичида миллий ахлоқий тарбия беришнинг асосий тамойиллари ва педагогик шарт - шароитларига риоя қилиш асосида бажарилади.

Шуни айтиш керакки кичик ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварликни шакллантиришда халқимизнинг маънавий меъроси унинг асосий негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам учинчи синфда «Соҳибқирон Темур бобо» ҳақида маълумот, Амир Темурнинг «Куч адолатда» ҳикматли сўзининг моҳиятини ўрганиш учун икки соат ажратилган. Лекин дарсликда берилган Амир Темур ҳақидаги маълумотлар ва унинг «Куч адолатда» ўғити учун ажратилган материаллар ниҳоятда қисқа. Биз шунинг учун ҳам унинг мазмунини янада бойитиш ва халқ мақоллари ёрдамида ўқитувчиларига методик ёрдам бериш мақсадида «Куч адолатда» мавзусининг мазмунини қуйидагича ишлаб чиқдик.

Гулистон шаҳридаги №2 умумўрта мактабнинг 3^а синфида синф ўқитувчиси Жураева Раъно Соатқуловнанинг машғулотни ўтишда Амир Темурнинг расм-портрети, Амир Темур китоблари, Амир Темур ҳақида чоп

этилган адабиётлар ҳамда Амир Темур ҳайкали, Давлат тарих музейи ҳақида ҳикоя қилувчи расмлар кўргазмасини ташкил этади. Ўқитувчи болаларга «Расм - портретда ким ифодаланган?» деган савол билан мурожаат этади. Шундан кейин аста - секинлик билан дарсни бошлайди. Дарснинг бориши куйидагича:

Азиз болалар!

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч адолатда» деган ҳикмати неча асрлар давомида халқимиз ҳаётидан кенг ўрин эгаллаб келмоқда. Ушбу ҳикматда меҳнатсеварликнинг асоси бўлган дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик, аҳиллик, ватанпарварлик, мардлик, одамийлик каби ўзбек халқига хос бўлган фазилатлар мужассам этилган. Бобомиз: «Куч - адолатда», - деб уқтирадилар. Амир Темурнинг адолат ҳақидаги бу сўзлари бугунги кунда ҳам юксак аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни ҳимоя қилишга, юртимиз шаъни шавкатини юксалтиришга, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамиятни қуришга қаратилгандир.

Дарҳақиқат, Амир Темур ҳақиқат ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган адолатни жаҳонгир бўлган. Ҳар бир инсонни адолатли бўлишга чорлаган. Шунинг учун ҳам у бир кунлик адолатни - юз кунлик тоат-ибодатдан афзал кўрган.

Амир Темур ўзининг «Зафар йули» китобида ҳам «... ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шамини тутиб, ҳар икки шом билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим» - деб ёзади. Дарҳақиқат, Амир Темур ўз ҳаёти ва фаолиятида ҳар бир можаро ва муоммали ишларни диққат билан текширарди. Уларни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга ҳаракат қиларди. Барча ишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тўтади. Ўз фуқароларига раҳм - шафқатли бўлганди. Камбағалларга куп хайру - эҳсон қилган. Гуноҳкорларнинг гуноҳини кечган. Бунинг натижасида унинг қудрати ошиб борарди. У ўзига адолатли ва

рахмдил тўрт вазирни тайинлади. Улардан иккитасига доимо уни кузатиб туришларини ва агар адолатсизлик қиладиган бўлса, дарҳол тўхатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонса ёки бегона кимсани мулкига хиёнат қиладурғон бўлса дарҳол огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйди.

Фаолиятнинг ўзи онгли яъни мураккаб кўникма боскичида давом этаверади. Бу кўникма таркибига купгина элементар малакалар киради. Билимга таълимий фақат бошқаларнинг ҳаракатларига механик таклид қилиш асосида эгалланган малака поитехник малака булолмайди. Бу тор маънода малакадир. 2-томондан меҳнат малакалари ва кўникмаларини фақат фикрлаш билан шакллантириб булмайди. Бунинг учун маълум даражада давомли машқлар қилиш зарур энг асосийси ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятида катнашишларидир.

Меҳнат кўникма ва малакаларини шакллаш қўйидаги асосий бос кичлардан таркиб топган:

- а) кириш инструктажи
- в) меҳнат ҳаракатларини синов учун қилиш
- с) иш ҳаракатлари
- д) якун чиқариш

Кириш инструктажи булажак ишни бажариш усулларини қўлланади асбобларни механизмлар материалларининг кўрсатилишини ўзига бириктирган огзаки тушунтириш методи графиги хужжат намоиш этиш методидан фойдаланиб утказиш мумкин.

Меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантириш жараенида машқлар. Машқлар системаси қўйидаги асосий талабларни ўз ичига олади.

1. Машқларнинг материал қийинчиликларининг ортиб бориши назарда тутилган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

2. Кейинги материалнинг ҳаммаси тулик тарзда олдинги материалга асосланиши лозим.

3. Мустакиллик даражаси ортиб бориши керак

Шахснинг турмуш тарзи, унинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўрни, интилишлари, индивидуал қобилияти, тафаккур таҳлили ва касбий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай шахсий эҳтиёжда эгоистик томонлар ҳам кўзга ташланиб туради. Аммо шахснинг эҳтиёж қондириш йўлида бошқаларни менсимаслиги ўзининг манфаатини устун қўйиши болалардаги спорт ўйинларини орқали ўз ватани англашдаги муносабатининг салбий хусусият ҳисобланади. Битирув малакавий иши жараёнида биз айнан мана шу масалаларга ҳам алоҳида эътиборни қаратдик.

Соғлом авлодни барпо этиш, ёшларни онгли интизомини шакллантиришда тарбиячи-ўқитувчининг ўрнини белгилаб Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясида сўзлаган нутқида: "Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз",- деб алоҳида кўрсатиб ўтган эди. Бугунги кунда ҳам ўқитувчи ва ўқувчи муносабатига хос мажбурий итоаткорлик тез-тез кўзга ташланиб турмоқда. Бу ҳолатни биз битирув малакавий иши жараёнида алоҳида кўзатиб бордик ва жадвал кўринишида умумлаштирдик (қаралсин 1-жадвал)

Битирув малакавий ишининг дастлабки ҳолатида ўқитувчи томонидан ўқувчига қўйилаётган талабни шартли равишда иккига бўлиб ўргандик:

1. Ўқитувчининг бевосита ёки тўғридан-тўғри ўқувчига қўядиган талаблари.
2. Ўқитувчининг билвосита ёки ижтимоий фикр асосида қўядиган талаблари.

Ўқитувчи томонидан тўғридан-тўғри ўқувчи олдига қўйилаётган талаб ҳам ўз навбатида икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси педагогик одоб доирасида бўлса, иккинчиси ўқитувчининг айна пайтдаги кайфияти билан боғлиқ бўлган талаблар.

Ўқитувчини билвосита ёки ижтимоий фикрга суяниши унинг касбий-маданий тажрибаси билан боғлиқ равишда амалга ошишини битирув малакавий иши жараёнида ўрганиб бордик.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўқитувчи имкон қадар болани тинчлантириб, ҳеч қандай ортиқча овоз ёки эркин фикр айтишга йўл қўймасдан “билим” ва “тарбия” беришга интилган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолда эркинлик, эркин фикр билдириш ва ижодкорлик бўғилади бу эса ўқувчида онгли интизомни шаклланишига тўсқинлик қилади.

Жадвал 1.1

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатига хос итоаткорликнинг шаклланиши

(Жами 40 та Меҳнат дарсларида ўқувчиси кўзатилади)

Т Р	Ўқитувчи томонидан қўйилган талаблар	Ўқувчининг акс-садоси
1.	Салом-алиқдан сўнг ақлли ўқувчи дарсда қимирламай ўтиради. "Яхши отга бир қамчи" деган мақолни яхши биламиз-а!	Ҳа, биламиз
2.	Фақат қўл кўтариб савол ёки жавоб беришга келишганмиз-а!	Ҳа...
3.	Дарс жараёнида пашша учса эшитилсин. қимирлашга, атрофга қарашга ҳаққингиз йўқжимлик
4.	Саволга жавобни қисқача, лўнда, китобдан ўқиганингиз бўйича жавоб беришга ўрганинг. Ортиқча гапларни кераги йўқжимлик
5.	Мен қандай кўрсатган (ўргатган) бўлсам, шундайжимлик,

	тартибда жавоб беришга ўрганинг!	итоат
6.	Сен (ўқувчининг исми билан), ўзингни фикрингни қўйиб тур. Ҳамминг вақтини ортиқча ўғирламасдан, кўрсатгани бажар!	Мажбурий итоат
7.	манна, (ўқувчининг исмини айтиб), мен қандай бажар деган бўлсам, айганимдек тўғри ечиб келибди. Бошқалар ҳам, айниқса (4-5та ўқувчини тилга олиб), худди шундай қилиб бажаришлари лозим эдимажбурий бўйсиниш ва унинг шаклланиши
8.	Ким-ки, келгуси дарсда мен айтгандек қилиб бажариб келмаса, «2» баҳосини олади. Келишдик-ми?келишдик
9.	Дарсда мени ортиқча бақаришга мажбур қилмангжимлик
10	Айтган гапимда тура олишимни яхши биласиз, ота-онангизни чақиртириб бита-иккитангизни ҳайдаб юбориш ҳам кўлимдан келади жимлик

"Меҳнат дарсларида ўқитувчиси бўлиш менинг асл орзуим эди. Мен ўз мақсадимга эришдим. Ўз касбимдан ҳеч ҳам афсусланмайман ва нолимайман. Болани эркин фикрлашга ўргатиш, уни билимга, илмга ташна, интизомли, ота-она, ўқитувчини ҳурмат қиладиган, катталарга доимо салом берадиган, кўлидан келса бошқаларга ёрдам берадиган, қишлоғи, шаҳри, маҳалласини севадиган қилиб тарбиялашда албатта ўқитувчининг ўрни бекиёс. Шу билан бирга эркинлик деб болани мутлақо ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди. Чунки бола ҳар доим болалигини қилади. Бу борада ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос методикаси шаклланган бўлиши лозим. Айниқса, Меҳнат дарсларида ишлашнинг нозик томони шундан иборатки, бола ўқитувчининг айтгани ва кўрсатганини қандайдир қонун деб қабул қилади. Ўқитувчига чин дилдан тақлид қилади. Энг тўғри йўлни фақат ўқитувчигина кўрсатади. Ўқитувчи ҳамма нарсани билладиган инсон деб қабул қилинади. Шунинг учун ўқувчи унинг айтганини бажаришга одатланиб боради. Бу эса "ўқитувчи-ўқувчи" муносабатларида ўқитувчи шахсига алоҳида масъулият

юклайди. Чунки болани шахс сифатида шаклланиши, ўз фикрига эга бўлиши, хар доим янгича фикрлашга ўрганиши жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, хар бир ўқитувчи ўз касбини севиши, билимдон бўлиши билан бирга, болажон, болани дилдан севадиган, янгиликка интилувчан ва ижодкор бўлиши лозим. Мен ўзимнинг ўн йиллик тажрибам жараёнида мана шу томонларга эътибор бериб келдим".

Мана иккита Меҳнатдарсларидалар ўқитувчисининг фикр-мулоҳазасидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ечими.

“Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатидаги ўзига хос мажбурий итоаткорлик элементлари умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар шароитида ва хатто олий таълимда ҳам ҳамон тез-тез кўзга ташланиб туриши юқорида кайд этилди. "Ўқитувчи-ўқувчи" муносабатини юксак маданият, онгли интизом даражасига кўтаришда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва касбий тарбияланганлик даражасига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишининг мавжуд ҳолати ўрганилиши жараёнида ўқувчи ёшлар шахсида онгли интизом, а меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялашда ўқитувчиларнинг коммуникатив функцияси алоҳида ўрин тўтиши аниқланди.

Юқори дарсларида ўқувчиларида ватани олдидаги ўз бурчини ҳис этиш масъулиятини олдинги ўринда туради. Тенгқурлари, ўртоқлари билан оқилона муносабатга кириша олиш одобини билиш, шахсда инсонпарварлик, ота-она, Ватан олдидаги, ҳамюртлари олдидаги масъулиятни тўғри ҳис этишга туртки бўлишлиги келиб чиқади. Аммо эркин равишда ўз фикрини ёқлаб чиқиш, замонавий педагогик технологияни ўзлаштиришда ижодкорлик, ташаббус кўрсатиш, ўз ўрнини белгилаб олиш сифатлари бошланқич дарсларида ўқувчиларида бирмунча кеч шаклланиши бевосита ва билвосита олиб борилган кўзатишларимиз жараёнида маълум бўлди.

Ушбу жараёни тезлашуви ўқувчининг ижтимоий адаптация (мослашиш)даври ва ўқувчи учун мактабда яратилган шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди.

Битирув малакавий жараёнида онгли интизом ҳисси тарбиялашга нақадар изчил амал қилишини ва ижтимоий ҳаётда амалий фаолиятнинг моддий-маънавий йўналишини ҳам белгилаб бериши маълум бўлди. Битирув малакавий ишининг дастлабки ҳолатини ўрганишга оид олиб борган экспериментларимиз натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларда онгли интизомнинг шаклланганлиги шахсий сифатларнинг янада барқарор ва уйғун бўлишида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бу эса бўлажак ўқувчи шахсида маънавий фазилатларнинг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезон ҳисобланади.

2.2. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларини меҳнат таълими дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини қўллаш барча мактабларда бир хил ахволда деб бўлмайди уни қўллаш бир неча босқичларда амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатиш асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши кутилган натижани қўлга киритиш учун имкон яратиши аниқланди:

а) тадбирлар шакллари - давра суҳбати, семинар, баҳс-мунозара, учрашув, танлов, кўрик, мусобақа ва бошқалар;

б) тадбирлар самарасини таъминловчи усуллар - тушунтириш, ҳикоя қилиш, кўрсатмалилик, манбалар билан ишлаш, шакллантириш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳоказолар;

в) тадбирлар самарадорлигини оширишда хўлланган воситалар -манбалар (ўқув дастури, хўлланма ва дарсликлар), кўргазмали, техник ҳамда ахборот

воситалари (радио, телевидение, матбуот воситалари -газета ва журналлар), нутқ, педагогик тажриба, ёш ўқитувчиларнинг фаолияти ва бошқалар.

Тадқиқот давомида амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич синф дарслари ўқитувчиларининг мавжуд шароитда тарбиявий тадбирларни ҳандай омилларга таянган ҳолда олиб бораётганликлари ва уларнинг самарадорлиги ҳай даражада эканлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Дастлабки босқич - бу уларга кенг кўламли тарзда ташкил этилган чуқур идрок жараёни ҳақидаги билимларни тарғиб қилинди. Мазкўр жараёнда ўқувчиларнинг меҳнат таълими бўйича қоғоз ва картон билан ишлаганда меҳнат интизомига риояқилиш ҳақидаги билимларни эгаллаш, уни ясашиш технологияларини билиш, мазмун ва моҳиятини тушуниб этишга аҳамият берилди.

Биз ана шу камчиликларни бартараф этиш учун бошланғич таълим мактаби ўқувчиларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришда ва меҳнат интизомига риоя қилиш қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиладик:

1. Ўқувчиларнинг билимларни амалиётга тадбиқ этиш асосида уларда қоғоз нарсалар яшаш борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва меҳнат интизомига амал қилиш, мустақил фикрлашни, фаолликни қарор топтириш;
2. Ўқувчиларда қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришда муҳим восита бўлган дарс ва синфдан ташқари машғулотларни қуйидаги шакл ва методларда амалга ошириш:

Ўқувчилар онгига таъсир этувчи методлари - кўргазмали қилиш, тушунтириш, савол-жавобни ташкил этиш, экскурсия ташкил этиш, намуна кўрсатиш, баҳс, мунозара, кўрсатмали методлардан фойдаланиш ва бошқалар;

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришга йўналтирилган дарс ва синфдан ташқари

тарбиявий тадбирларни ташкил этишда куйидаги воситаларга таяниб иш кўрилди:

Ўқувчиларнинг шахсий ёндошуви, жамоатчилик фикри, намуна кўрсатиш, кўргазмали қуроллар намоёйиши орқали, муносабатлар жараёнини ташкил этиш;

Тажриба - синов жараёнида меҳнат дарсларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш методи ва тарбия бирлиги, инсонпарварлик мазмунидаги тадбирларнинг ягона мақсадга йўналтирилганлиги, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, ҳар бир ўқувчи шахсига қоғоз ва картон ҳақидаги фикрлари билан муносабатда бўлиш, каби тамойиллар асосида ташкил этилди.

Биринчи босқич—Ўқувчилар қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ҳамда вазифалари белгиланди;

Иккинчи босқичда—муайян Ўқув предмети доирасида мустақил ижод қилиш, изоҳлаш, ифодалаш усуллари ва воситаларини танланди;

Учинчи босқичда—Ўқувчиларнинг қоғоз ва картон ҳақидаги билимларига доир тасаввурларини, назарий билимларини ва уларни амалга ошириш кўникмаларини мустаҳкамланди;

Тўртинчи босқичда—Ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, амалий кўникмалар даражасини назорат қилиш ва баёлашдан иборат бўлди.

Юқорида кўрсатилган босқичлар ўртасидаги изчил боғланиш, ўқувчи қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни яхлит, тўлиқ ва аниқ тасаввурларнинг вужудга келиши учун асос бўлди.

Юқорида баён этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда тажриба мактабларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришга оид йиллик режа ишлаб чиқилди. Қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш режасини тўзишда ўқув дастури, тарбия иши мазмуни шунингдек, ўқувчиларнинг қоғоз ҳақидаги билим, тафаккур ва ижодкорлик даражаси қизиқиш ва эҳтиёжлари, ташаббускорлик ҳамда фаоллик кучи

эйтиборга олинди. Шу мақсадда бошланғич таълим босқичида дарс ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар тизимининг ҳолати ўрганилди.

Биз ана шу талаблардан келиб чиқиб бошланғич таълим жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш кўникма ва малакаларига алоҳида аҳамият бердик.

Юқори даража: Қоғоз ва картон ҳақидаги тушунчаларга эга бўлган, ижодкорлик қобилияти бор, мустақил иш олиб борувчи, ясаиш технологияларни тушуниб етадиган, ўзи мустақил ҳолда ясай оладиган, ҳар нарсани идрок қиладиган ўқувчиларни киргизишимиз мумкин.

Ўрта даража: Қоғоз ва картон ҳақидаги тушунчаларга эга бўлган, ижодкорлик қобилияти бор, мустақил ҳолда бажармасдан ўқитувчи ёрдамида ясайдиган, ясаиш технологияларни мазмун ва моҳиятига тушуниб етмайдиган, ҳар нарсани идрок қиладиган ўқувчиларни киргизишимиз мумкин.

Қуйи даража: Ўқитувчи ёки жамоанинг топшириғига кўра атрофдагиларига ёрдам беради. Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар киради.

Тажриба машғулотида- қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш ва уларни амалий фаолиятга тадбиқ қилиш учун қўлланилган ноанъанавий шаклнинг мақсади-ўқувчиларни қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш ва уларнинг ижодкорлик даражасини оширишдан иборат эди.

Бундай машғулотлар йил давомида олиб борилди ва уларга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Аввало ўқитувчи кўшимча адабиётлар билан таништирадилар. Шу мақсадда мавзуларга оид кўшимча адабиётдан керакли маълумотларни танлай билиш ҳақида топшириқлар берилди. Топшириқлар мазмуни қуйидагича бўлди: дастур ёки кўшимча адабиётдаги муайян мавзу машғулотидаги асосий фикрни қисқача баён қилиш: кўшимча адабиётдаги айрим маълумотларни таҳлил қилиш ва ушбу адабиётда қоғоз ва картон ҳақидаги масалаларининг қайси жиҳатлари ёритилганлигини аниқлаш ва шу қабилар. Тажриба ишлари жараёнида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига

тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Машғулотларга ўқувчилар олдиндан пухта тайёргарлик кўрдилар. Ҳар бир машғулотда ўқувчилар мавзу ҳақида қисқача тушунча бериб уни суҳбат услуби ёки ўйин орқали амалга оширдилар. Лекин шунга қарамай кўп йиллик олиб борган тадқиқот ишимиз ўз натижасини кўрсатди.

2.1-жадвал

Бошланғич -синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясаш технологиясини ривожлантириш

Шаҳар, туман	Мактаб	Синфлар	Тажриба Гуруҳи Ўқувчилар сони	Тажриба ишлари ўтказилгунга қадар (% Ҳисобида)	Тажриба ишлари натижасидан билимларни ишаклантириш (% Ҳисобида)	и з о ҳ		
Бекобод тумани	41- мактаб тажриба гуруҳи	2а	30	14 %	86 %			
	41- мактаб тажриба гуруҳи	3а	30	19 %	82 %			
	41- мактаб тажриба	3в	30	29 %	81 %			

	гуруҳи							
	41-мактаб тажриба гуруҳи	4а	30	32 %	85 %			
Жами		4	120					

Тажриба ишларидан олдин ва кейин бошланғич синф ўқувчиларининг дарс жараёнида қоғоз ва картондан нарсаларни яшашни шакллантириш ҳақидаги умумлашган қиёсий маълумотлар келтирилган. Юқоридаги жадвал таҳлили шундан далолат берадики, тажриба синфлари ўқувчиларнинг 80% дан ортиғи қоғоз ва картондан нарсаларни яшашни тўлиқ эгаллашган.

Биз олиб борган педагогик тадқиқот ишларида қоғоз ва картондан нарсаларни яшаш ҳақидаги тушунчалар, кўникмалар шаклланганлик даражасининг асосий кўрсаткичлари сифатида қараб чиқилди. Қоғоз ва картондан нарсалар яшашни шаклланганликнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари, шунингдек, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобига олинган ҳолда тажриба синовларидаги ўқувчиларни шартли равишда 3 та гуруҳга ажратдик. Бошланғич синф ўқувчиларида қоғоз ва картондан нарсаларни яшашни шаклланганлигининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини ифода этувчи жадвалдаги сонли маълумотларини таҳлил қилиб улардан тегишли хулосалар чиқариш мақсадида математик статистика усулларида фойдаландик. Бунинг учун «юқори», «Ўрта» ва «паст» даражаларни шартли равишда «5», «4» ва «3» балларга алмаштириб, уларни назорат гуруҳлари учун X ва тажриба гуруҳлари учун эса Y орқали белгиладик. Бу гуруҳлардаги ўқувчилар сонларини эса n ва m лар орқали белгилаб олдик. Демак тажриба бошида бу кўрсаткичлар бир – бирига яқин бўлган экан.

2.2-жадвал Бу эса ўтказилган эксперимент натижаларининг тўғрилигини кўрсатди.

Республикамизда мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда. Анкета сýровлари натижасига кўра тажриба ва кўзатув гуруҳлари ўқувчиларининг кўрсаткичлари таҳлилининг охириги натижаси шуйидаги 3.4. жадвалда келтирилган.

Жадвал


1-4-синф ўқувчиларнинг даражалар бўйича кўрсаткичлари

Даражала р	ўқув йиллари бўйича тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчилар сони ва чораклар бўйича ўзлаштириш										ўртача	
	2010		2010		2010		2010		2010			
	Тажриб	Назорат	Тажриб	Назорат	Тажриб	Назорат	Тажриб	Назорат	Тажриб	Назорат	Тажриб	Назорат
I	54	56	37	45	12	40	9	36	2	33	23	42
II	44	42	46	43	48	44	49	45	37	47	45	44
III	24	24	39	34	62	38	64	41	83	42	54	36


Диаграмма

Тажриба (а) ва назорат (б) гуруҳлари ўқувчиларининг даражаси (% =исобида)

а)



б)



Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2009-2010 йиллар мобайнида Тажриба гуруҳларида биз таклиф этган педагогик технология асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий услубда амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида тавсия этилаётган педагогик технология бўйича тадқиқотчи ва юқорида қайд этилган таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчилари таълим-тарбия ишларини олиб бордилар.

Жадвал.1.

Тажриба-синов ва назорат майдонлари таркиби

№	Тажриба-синов майдонлари	Мактаб №	синфлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	ўқувчилар сони
	Тошкент вилояти Бекобод тумани	41	2 а,.	30	30	60
			3а,3б.	30	30	60
			4а,4а	30	30	<u>60</u>

	Жами	1	бта	90	90	180

Тажриба-синов ишларини амалга оширишнинг дастлабки изланувчан босқичида ўқувчиларнинг қайси касбга мойиллиги борлигини сўраб билиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиб, улар билан ишлаш йўналишини белгилаб олишни мақсад қилиб қўйдик.

ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Мустақил давлатимизнинг тараққиёти ўрта махсус касб-хунар таълим соҳасида катта ислохотлар қилиш вазифасини қўймоқда. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасидаги жамиятнинг муҳим эҳтиёжини қондиришнинг енг зарур шартидир.

Жамиятнинг юқори малакали рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Меҳнатдарсларидалар мустахассислар тайёрлаш йўлларини тинимсиз изламоқдалар.

Технологик ёндашув ўқув фаолиятида кўп қиррали объект бўлиб, уни тадқиқ этиш ниҳоятда мураккаб. Бундай тайёргарлик мўтахассиснинг умумий ва махсус тайёргарлигининг маълум бир даражасига еришишни, зарур касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришни талаб этади.

Бу эса технологик ёндашув асосида ишлашга қизиқадиган, уни амалга оширишга интилувчан, ижодий ишлайдиган шахсни тарбиялашни тақозо этади. Бунда касбни дилдан севиш ва унга оид мотивларнинг

мавжудлигидагина технологик ёндашув асосида ишлайдиган педагог шахси шаклланиши мумкин.

Бизнинг тадқиқотларимиз асосида турган асосий мақсад ҳам касбга технологик ёндашувнинг шаклланишида педагогик фаолиятни ривожланишининг аҳамияти катталигидир.

таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш шахсни педагогик фаолиятга еркин киришуви, ўқувчилар билан тез тил топа билиши, изланиши, фаолиятга ижодий ёндашишига ёрдам беради.

Битирув малакавий ишни бажариш жараёнида бир қатор педагогик-психологик манбаларни таҳлил қилиш, ҳамда тажриба-синов ишларининг якуний натижаси умумлаштирган ҳолда сифатида қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Демак, ўқувчиларни таълим жараёнига бўлган қизиқиши ушбу муаммога ечим бўла олади.

1. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг назарий-методологик асосларини белгиланди.

2. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг педагогик моҳиятини аниқланди.

3. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг ташкил этиш тизимини ишлаб чиқилди.

4. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатилиб таълим самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишлари БМИ фаразининг тўғрилигини исботлади. Яъни таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш касбга лаёқатлилиқнинг аҳамияти катталигини, Меҳнат дарсларида таълим жараёнининг ижодий шаклларида фойдаланишни, уни илғор педагогик технология асосида ташкил этишни, мўтахассис тайёрлаш ишини мактаб билан мустаҳкам алоқада ташкил этишнинг зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотимиз давомида кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг янги шакл ва усулларида фойдаландик.

Тавсия этилаётган таълим-тарбия тизими касбга тайёргарлик, бу соҳада тегишли билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалиёт давомида касбга тайёрликни синаб кўришдан иборат. Тайёргарликнинг бир босқичидан бошқасига ўтишда таълим жараёнининг изчиллиги, режали таъсир, мақсадга қаратилганлик ва натижани назорат қилишга эътибор берилди.

Биз тавсия этаётган иш йўналишларида асосий эътибор Меҳнат дарсларида таълим жараёнига технологик ёндашувга қаратилди.

Бизнинг тавсияларимиздаги тадбирлар тизими тажриба-синовдан ўтди ва унинг ҳалқ таълими тизимида педагогик кадрларни тайёрлашдаги самарадорлиги амалиёт синовидан ўтди.

Бўлажак кадрларни таълимга технологик ёндашувга тайёрлашда биз юқорида тавсия етган иш тизимидан фойдаланса кутилган самарага еришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон. 1995.-269 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.:Ўзбекистон, 1992.-78б.
3. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.:Шарқ. 1997.- 64 б.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.:Ўзбекистон. 1998.- 480 б.
5. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т.:2003.-174б.
6. Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.- Т.: Фан. 1990.-172 б.
7. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. — М.: Педагогика. 1989.-168 с
8. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. —М.: ИРПО. 1996.-336 С.

9. Давирова.Г. Ижодий услуб-енг зарур сифат .Ж.Халқ таълими.2001.№6.- 24-26 бб.
10. Давлетшин М.Г.Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон. 1999. -29 б.
11. Зарипов К. Янги педагогик технологияни татбиқ этиш босқичлари. ғғЖ. Халқ таълими. 1997. № 4. 4-12 б.
12. Илғор педагогик технологиялар. 1999 йил 8-9 апрель, илмий-назарий семинар.- Т.: 1999.- 84 б.
13. Йўлдошев Ж.ғ. таълимимиз истиқлоли йўлида.-Т.:Шарқ.1996.-224 б.
14. Йўлдошев Ж.ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.- Т.:Ўқитувчи. 2004.-104б.
15. Келдиёров Р.А. Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг илмий-методик асослари: п.ф.н. дисс. ... автореферати.-Т.:ТДПУ. 2001.20б.
16. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –Т.: ЎзМУ. 2003.- 66 б.
17. Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари. ғғЖ.Таълим тараққиёти. 2001. № 3-4. 60-63 б.
18. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. - Илмий-амалий конференция материаллари.- Т.:1999.- 212 б.
19. Толипов.Ў. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари.-Т.: Фан.-2004.-167 б.
20. Толипов.Ў.Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари. ғғЖ.Халқ таълими. 2001.- №5. 111-114 бб.
21. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар.- Т.: Ўз.Р.ФА.Фан. 2000.- 128б.
22. Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т: Абдулла қодирий номидаги Халқ мероси. 1993.-223б.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Боб кизлик. Лессон Планнинг, Лессон План Формац анд Лессон План Идеас.. www. АДПРИМА сом.
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность, дидактические особенности технологии. хтлп: ff www.липецк. ру fлеги
3. Мила Новик. Современнўе технологии в образовании (продолжение)ff Новўе знания.1999 №4 с 39

Гулистон Давлат Университети Педагогика фақўлтети В-5141600-
“Бошланғич таълим ва спорт- тарбиявий иш таълим” йўналиши махсус
сиртки бўлим битирувчи босқич талабаси Ташбаева Хулкаройнинг
«Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига
ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти» мавзусидаги БМИ га берилган

Т а к р и з

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги
ислохотлар жамият ҳаётини янгилашда муҳим ўрин тўтади. Жамиятнинг
ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти таълим муассасаларида
таҳсил оланаётган ёшларнинг билим даражаси ҳамда улар томонидан
эгалланган касбий кўникмаларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни
ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига мувофиқ жамиятда
кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Миллий
модел ўз моҳияти билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат
қилади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда белгиланган ... каби
вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий
иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит

бутунлай ўзгаради Жаҳон таълими таракқиёти тажрибаси шундан далолат берадики, жамият таракқиёти таълимнинг такомиллашиши ва таракқий этиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Айниқса бошланғич таълим жараёнида таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари янгиланди. «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни қайта ишлаб чиқилди. Таълим мазмунининг ўзгариши таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини тақоза этади. Анъанавий таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим усулларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кўзатилмоқда.

Талаба Ташбаева Хулқаройнинг «Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти мавзусида бўлиб долзарб масалалардан биридир. БМИда қуйидаги ишлар амалга оширилган

1. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг назарий-методологик асосларини белгиланди.
2. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг педагогик моҳиятини аниқланди.
3. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатишнинг ташкил этиш тизимини ишлаб чиқилди.
4. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларни меҳнат интизомига ўргатилиб таълим самарадорлиги аниқланди.
4. Меҳнат дарсларда онгли интизомни шакллантириш йўллари махсус методикасини тажриба-синовдан ўтказилган ва унинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда ушбу жараён самарадорлигини таъминлашга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

БМИ да айрим архографик хатолар учрайди лёкин ишнинг мазмунига таъсир
этмайди, иш жуда ҳам яхши ёритилган ДАС талабларига жавоб беради.
Ҳимояга тавсия этаман.

Тақризчи:

Бекобод тумани 42-мактабнинг
Бошл. синф. ўқит. Абдуллаева Н.

